**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Тасдиқлайман:
Ўқув ишлари проректори
проф. Н. Алимов
_________________
2014 йил 30 август

**Ижтимоий фанлар кафедраси**

**Мантиқ фанидан**

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**(Кафедра йиғилишида**
**(2014 йил 29 август 1-сонли баённома) тасдиқланган)**

**Жиззах – 2014**

**1- мавзу. «Мантик» фанининг мавзуи ва ахамияти.**

РЕЖА

1.Тафаккур мантик фанининг урганиш объекти сифатида.

2. Мантик шакл ва мантикий конунлар тушунчаси. Тўғри фикрлашнинг асосий қонукнлари.

3.Мантик фанининг пайдо булиши ва ривожланиш ва ривожланиш босқичлари.

4. Мантик фанининг ахамияти.

Таянч тушунчалар:

Мантиқ, ҳиссий билиш, тафаккур, тафаккур шакли, тафаккур қонуни, тўғри тафаккур, чин фикр, формал мантиқ, диалектик мантиқ, математик мантиқ, Аристотел мантиғи, Шарқ перипатетиклари мантиқий таълимотлари, Декарт дедуктив системаси, Лейбницнинг муҳокамаларни ҳисоблаш мумкинлиги ғояси, Кант трансцендендаль мантиғи, Гегель диалектик мантиғи, символ мантиқ, тафаккур қонуни, тўғри қурилган фикр, айният қонуни, нозидлик қонуни, учинчиси истесно қонуни, етар асос қонуни,

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тафаккурнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

2.Тафаккур шакли нима?

3. Тафаккур қонуни нима?

4. Қадимги Шарқ мамлакатларида мантиқий таълимотлар қайндай шароитларда вужудга келган? Уларнинг асосий хусусиятлари нимада?

5. Қадимги Грецияда мантиқ илмининг шаклланиши ва ривожланиши қандай хусусиятларга эга?

6. Тафаккур қонунлари нималарни акс эттиради?

7..Айният қонунидан келиб чиқадиган асосий талаб нимадан иборат?

8. Нозидлик қонунининг моҳияти нимада? Унинг объектив зиддиятларга бўлган муносабати қандай?

9.Учинчиси истесно қонуни фикр юритувчи субъект олига қандай талабни қўяди? Бу қонун қандай хукмларга нисбатан амал қилади?

10. Етарли асос қонуни ўзида тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган қандай талабни ифода этади? У хулоса чиқариш аргументлашда қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.

2. И.А. Каримов.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқат, 1998.№5

3. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ, 3-боб.

4.Ю. В. Ивлев. Логика, 3-боб, 3-параграф.

5. И.Рахимов. Логикадан амалий машғулотлар ва метод тавсиялар, 4-боб.

6. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник.М., 1976. Мавзуга оид мақалалар.

7. Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик. М. Ҳайруллаев таҳрири остида. Т., 1995.

8. Ибн Сино. Избранние философские произведения. М., 1980.

Мантик термини арабча сўз бўлиб, сўз, тушунча, фикр, маъно, қонуният мазмунида ишлатилади. Бу термин биринчидан, туғри фикрлашнинг конун коидалари ва шакиллари тугрисидаги фан булган мантикни ифодалашда кулланилади. Иккинчидан тафаккур жараёнининг манбаи булган объектив дунё конун коидалари уртасидаги муносабатларни, богланишларни шунингдек, вокеликнинг инътикоси булган тушунчалар, фикрлар орасидаги муносабатларни, богланишларни ифодалашда кулланилади.Биз мантик термини юкоридаги курсатилган икки маънода куллаймиз. Бундан ташкари мантик термини табиат ва жамият тараккиётининг тафаккурига бевосита алокаси булмаган конуниятларни хам ифодалашда кулланилади. Масалан: «нарсалар мантиги», «вокеалар мантиги» иборалари оркали табиат ва жамият тараккиётининг конуниятлари тушунилади. Булар албатта биз урганишга киришаётган формалогиканинг урганиш объектига кирмайди. Мантик фанининг урганиш объекти тафаккурдир. Аммо мантикка тафаккур хакидаги фан деб таърифласак унча тугри булмайди. Чунки бир катор фанлар мавжудки улар хам тафаккурни тадкик килади, урганади. Маълумки психология фани инсоннинг психик фаолиятини, яъни сезги, идрок, тасавур, ирода, темперамент ва бошка психик сифатларини, жумладан фикрлаш жараёнини хам текширади. Психология фикрлаш жараёнининг, тафакурнинг онгнинг бошка томонлари билан узаро

муносабатини, вужудга келиши тараккий этишини унинг сезгига кандай таъсир килишни ва аксинча сезгининг унга таъсирини урганади. Мантик эса факат тугри фикрлаш конунларини ва булар оркали чин хулосага эришиш масаласини, бу чинликдан четга чикмаслик йулларини таъминлаш максад килиб куяди. Бу икки фан уртасидаги кейинги фаркни шунда куриш мумкинки, психология мантикка карама-карши тафаккурни эмпирик, экспреминтал тадкикотлардан келиб чиккан холда урганади. Мантик эса тафаккурни назарий жихатдан урганади. Шундай килиб, мантик бир томондан психология билан якин муносабатда булса, иккинчи томондан инсон тафаккури хислатларини турли максад нуктаи назари билан текшириш ва маълум хулоса чикаришга эриши учун курашув йуллари билан психологиядан фарк килади. Лекин шу билан бирга мантик психология фанининг ютукларидан фойдаланади, унга асосланади. Агар психология тафаккурнинг муайян жихатларини урганса ва мантик фанидан кескин фарк килса, мантик билан фалсафа уртасидаги муносабат бутунлай бошкачадир. Фалсафа фани билиш жараённинг барча боскичларини бир бутун сифатида урганади. Мантик фани эса билиш жараёнининг боскичларидан бири булган тафаккурнинг муайян жихатларини урганади. Чунки унинг барча конун-коидалари, тушунчалари, хукмлари ва хулосалари фалсафанинг бош масаласига богланган ва ундан келиб чикади. Иккинчи томондан эса фалсафа унинг билиш назарияси мантикий фан булиб хисобланади. Шулардан келиб чиккан холда биз мантик фанига куйдагича таъриф берамиз. Мантик- бу тугри фикрлашнинг конун-коидалари ва шакллари хакидаги фандир. Юкорида айтиб утганимиздек, мантик тафаккур фаолиятини урганадиган фандир. Унинг текшириш объекти тафаккуридир. Тафаккур тугрисидаги туларок маълумотга эга булиш учун биз билиш жараёни, унинг боскичлари хакида тасаввурга эга булишимиз керак. Чунки тафаккур билиш жараёнининг боскичларидан бири булиб хисобланади. Фалсафадан бизга шу нарса маълумки, билиш бу ташки дунёнинг киши сезги органлари оркали миясига таъсири ва бу таъсир натижасида ташки дунёдаги нарса ва ходисаларни урганиб, узлаштириб олишдир. Инсон билимининг асоси богланиши амалиёт, ижтимоий практикадир. Инсоннинг билими кандай вужудга келади? Инсон нарса ва ходисаларнинг хусусиятини кандай билиб олади? Инсоннинг дунёи билиш жараёни икки боскичдан иборат. Биринчиси, хиссий билиш булиб, у сезги, идрок ва тасаввурдан иборат. Хиссий билишнинг мухим шакли сезгидир. Сезги хиссий аъзолармизга бевосита таъсир этувчи нарса ва ходисаларининг айрим томонлари ва хусусиятларини акс эттиради. Масалан: нарса ва ходисаларда мавжуд булган айрим хусусиятлар: иссиклик, кизил ранг, аччик таъм, силликлик. Хиссий билишнинг юкорирок шакли булган идрок сезгидан фарк килиб объектив борликдаги сезги аъзоларимизга таъсир килувчи хар бир нарсани яхлит холда, хамма асосий ташки хуссиятлари, белгилари билан акс эттиради. Тасаввур киши томонидан нарса ва ходисаларнинг хозирдаги эмас, балки аввалги идрок килишимизнинг натижасидир. Масалан: Дустлар образини куз олдингизга келтиринг. Тасаввур нафакат утмишдаги, шу билан бирга келажакдаги нарса ва

ходисаларнинг идрок этишидир. Тасаввур ижодий ва фантастик булиши мумкин. Ижодий тасаввур огзаки тасвирлашда хам пойда булиши мумкин. Тасаввур нарсадаги хусусиятларни умумлаштириш элементларига, асосий хусусиятдан баъзисини иккинчи даражали хусусиятлардан ажратиш, (фарклаш) каби хусусиятларга эга. Шунинг учун хам тасаввур хиссий билиш шакллари ичида тафаккурга якинирогидир. Лекин тасаввур тафаккурининг баъзи элментларига эга булган хам, у хиссий килиш чегарасидан, объектив борликни билишда айрим нарсалар доирасидан хали ташкарига чика олмайди. Дунёнинг конунииятларини, нарсаларнинг мохиятини, улардаги умумийликни, богланишларни, узаро таъсирини биз билишнинг иккинчи боскичи тафаккур ёрдамида билиб оламиз. Мантикий билиш, тафаккур дунё ва ундаги конуниятларни хиссий билишга нисбатан чукуррок ва кенгрок инътикос эттиради. Мантикий билишнинг асосий шакллари тушунча, хукм ва хулосадир. Тушунча нарса ва ходисалардаги умумий, зарурий, мухим белги ва хусусиятларнинг, улардаги конуниятнинг инътикоси булган тафаккур шаклидир. Хукм – нарсалар ва уларнинг белгилари, муносабатлари, богланишлари тугрисидаги бирор нарсани дасдиклаб ёки инкор этилиб айтилган фикирдир.

Бу талаба аълочи,  бу талаба аълочи эмас.

Хулоса чикариш деб, икки ва ундан ортик тугри хукмлардан чикарилган янги хукмга айтилади.

Хамма металлар электр утказувчандир.

Темир металлар

Темир электр этказувчандир.

Демак,тафаккур вокеаликни умумлаштириб бир бутун сифатида акс эттиради. Тафаккурнинг узига хослиги унинг тил билан узвий богликлигидир.Тафаккур объектив реалликни акс эттирса тил фикрларини изохлайди, бошкаларга етказиб беради.

Мантик тугри фикрлашнинг конун-коидалари ва шакллари тугрисидаги фандир. Мантикий конун-коидалари ва мантикий шакллар деганда биз нмани тушунамиз? Мантикий шакл – бу муайян фикрнинг тузилиши яъни унинг таркибий кисмларининг богланиш усулидир. Фикр таркиби ва мазмунинг элементар богланишини ташкил этувчи усулга тафаккур шакли дейилади. Фикрнинг тузилишини яъни фикрнинг мантикий шаклини символлар (белгилар) ёрдамида ифодалаш мумкин. Фикрнинг тузилишини (мантикий шаклини) куйдаги учта мисолида куриб чикамиз.

Хамма капалаклар-хашоратлар

Хамма усимликлар- организмлар

Хамма бурилар-турт оёкли

Бу хукмларнинг мазмунлари хар хил аммо шакли бир хил: Бу схемада хукмнинг мантикий предикати. Демак, мантикий шакл мазмуни жихатдан турлича булган жуда куп умумий фикрлар учун бир хилдир. Бундан ташкари мантикий фикрлар шакли ифода этилган фикр таркибига караб турлича булиши мумкин. Мисол учун куйидаги икки хукмни олиб курайлик:

1. Агар студент мехнатсевар ва интизомли булса, у хурматга сазавор булади.

2. Агар сим оркали электр токи утса, сим атрофида магнит майдони хосил булади.

Бу икки хукмнинг мантикий шакли юкоридан баён этилган хукмлар шаклидан фарк килаётир. Юкорида ифода этилган уч хукм «хамма» сузи билан бошланган булса, хозир ифода этилаётган икки хукм «агар» сузи билан бошланиб «билан» орасидаги муносабатда кандайдир бир шарт борлигидан дарак бермокда. Шу билан бирга бу икки хукм бир шаклдаги мантикий фикрни ташкил этаётир. Баён этилган шартли хукмлар шакли мантикда куйидаги схема буйича ифодаланади. Агар S булса P дир. Бундай формула фикрнинг расмий (формал) мазмунини ташкил этади. Фикрнинг бундай муносабатдаги хислати махсус ахамиятга эга булганлиги учун мантикий муносабат ёки мантикий алока деб айтилади. Шакл куп фикрларнинг умумий белгиси булиб, у узининг конкрет мазмуни билан ажралади. Масалан, хукмда маълум мантикий муносабат тасдик ёки инкор шаклида булиб, турли фикрлар мазмунини очиб беради. Баён этилган мулохазаларга асосланиб, тафаккур шакли муайян типдаги нарсалар муносабатини инъикос этувчи мантикий усул деб айтиш мумкин. Мантикий конун фикрлар орасидаги мухим зарурий богланишдир. Мантикий конунга риоя килиш, тафаккур жараёнида харакатга эришувнинг зарурий шартидир. Асосий формал мантик конунлари куйидагилардир:

1. Айният конуни.

2. Зиддият конуни.

3. Истисно конуни.

4. Етарли асос конуни.

Мантик конунлари объектив характерга эгадир. Мантик конунлари умуминсоний характерга эгадир, бу конунларнинг умуминсонийлиги шундаки хамиша даврларда барча синфлар, миллатлар бир хил мантикий

конунда фикрлайдилар. Тугри фикрлаш факат формал мантикий конунларгагина буйсуниб колмасдан, материалистик диалектиканинг асосий конунларига хам буйсунади. Чинлик ва хатолик тушунчалари у ёки бу хукмнинг мазмунига тегишлидир. Агар хукмда вокеликдаги нарса ёки ходиса тугри акс эттирилган булса, бу чин хукмдир. Масалан: хамма бурилар-йирткич хайвонлар. (чин хукмдир). Хамма одамлар-адолатлилар. (хато хукм). Фикрлашнинг шаклан тугрилиги тушунчаси фикрнинг кулланишига ва харакатигагина тегишлидир. Агар бизнинг фикримиз тугри булса ва биз унга мантикий конунларни тугри куллаган булсак, натижа албатта вокейликка мос келади. Агар хулосанинг хукмлари ичида хато хукм булса, биз мантикий коидага риоя килган холда хам чин хам хато хулосага эга булишимиз мумкин. Биз бунга шундай мисол келтирамиз.

Хамма металлар-каттик жисмлар.

Симоб каттик жисм эмас.

Симоб металл эмас.

Бу хулоса чикаришда биз хато натижага эришдик. Бунинг асосий сабаби, биринчи хукмнинг хатолигидир. Натижа чин булиши учун икки хкм хам чин булиши керак. (Бу ерда мантикий коидаларга риоя килиш хакида гап бораётир).

Мустакил давлат уз куролли кучларига эга булиши керак.

Узбекистон мустакил давлат.

Узбекистон уз куролли кучларига эга булиши керак.

Мантикий коидаларга риоя килмаган чогда (Агар хукмлар чин булса биз хам чин хам хато натижаларга эришишимиз мумкин.)

Масалан: Хамма йулбарслар ола-була

Бу хайвон ола-була

Бу хайвон йулбарс.

Ушбу хулоса чикаришдаги икки хукм хам чиндир, аммо олинган натижа хам чин хам хато, чунки хулоса чикариш коидаларидан бири бузилган. Шундай килиб, тафаккур мазмун нуктаи назаридан дунёни чин ёки хато акс эттириш мумкин. Чинлик фикрнинг вокелик билан мувофик келиши булса, фикрнинг тугрилиги мантикнинг конун коидаларига риоя килишдир. Куйидаги тушунчаларни бир бирлари билан айнийлаштириш ёки кушиб юбориш мумкин эмас. Чинлик (чин) ва тугрилик, хатолик (хато) ва

нотугрилик. Тугри фикрлашнинг конун коидалари тугрисидаги дастлабки тасаввурлар кадимги Шарк мамлакатларида, хусусан Хиндистонда вужудга келган. Фан тарихида уз методи ва фикрлаш структурасини урганиш жихатидан бир-биридан фарк килувчи икки хил мантикий система хинд мантики ва юнон мантики маълум. Кадимги Юнонистонда вужудга келган мантик фанги асосида биз урганишга киришаётган формал умумий мантик фани шаклланади. Формал мантик уз ривожланишида ики боскични босиб утган. Формал мантик уз ривожланишида икки боскични босиб утган. Биринчи боскич формал мантик фан сифатида атрофлича изохлаб берган Аристотельнинг асарлари билан богланган. Аристотель тафаккурнинг мантикий шакл ва конуниятлари хакидаги илмни аналитика-хулоса чикариш ва аладектика-исботлаш деб аталади. Асосий асарлари «Органон», «Топина», «Метафизика». Аристотель мантикнинг дастлабки учта конунини ишлаб чикди. Аристотель мантикнинг дастлабки учта конунини ишлаб чикди. Аристотель мантики-бу силлогизм хакидаги дедукция тугрисидаги таълимотдир. Умуман мантикнинг иккинчи боскичи-бу математик мантикнинг пайдо булишидир. Математик (символик) мантикнинг асосчиси немис файласуфи Г.В.Лейбниц хисобланади. Лейбниц хар хил масалаларни ечишга имкон берувчи мантикий математик метод яратишга интилади. Лебниц хукм ва тушунчаларни ракам ва харфлар билан белгилаш ёрдамида хулоса чикариш, аникроги, берилган фикрий материални хисоблашнинг маълум даражасидаги умумий методини аниклашга мувффак булди. Математик манитик асосан дедуктив хулоса чикаришнинг асосида етувчи мантикий богланиш ва муносабатларни урганади. Математик мантикда хулосанинг структурасини аниклаш учун хар хил мантикий хисоблар, энг аввало мухокамалар хисоби ва перидикатлар хисоби тузилади. Математик мантик исботий фиткрлашнинг шакл ва конунларига математик методнинг куллашни талаб килади.

Матик фани инсоннинг, унинг амалий ва назарий фаолиятида катта ахамиятга эга. Мантикни билиш-тафаккур маданиятини оширади, аник асосли ва изчил фикрлаш учун ёрдам беради, нуткнинг самарадорлигини ва ишончлилигини оширади. Мантик фани асосларини билишнинг янги билимларни эгаллашда, дарсга тайёргарлик куришда, иншолар ёзишда, маърузалар укишда айникса ахамияти катта. Мантикий билим бизга бошка кишиларнинг огзаки нуткидаги ва ёзма асарларидаги мантикий хатоларни илгаб олишда, бу хатоларни узимиз йул куймаслигимизга ёрдам беради. Уни эгаллаш учун укитувчилардан, талабалардан ва улар оркали укувчилардан икки минг йилдан купрок давомида тупланган, назарий жихатдан асосланган ва узини оклаган мантикий фикрлаш ва дадиллашнинг метод ва усуллари булган мантик фанини чукур эгаллашни талаб килади. Мантик фани кишиларга уз-узини англашда, аклий жихатдан камол топишда, уларда диалектик-материалистик дунёкарашнинг шаклланишида ёрдам беради. Фанда, мунозараларда, кундалик хаётимизда бизга маълум бир чин мулохазалардан иккинчи бир мулохазага келишга, хато мулохазаларни ва

нотугри хал килинган исботни рад килиш тугри келади. Мантик конунларига риоя килиш фикрлашнинг тартибли, далилли, самарали, сермахсул килади, хатолардан кутулишга ёрдам беради. Конун-бу муйян шарт-шароитда вокеалар ривожининг характери ва йуналишини белгилайдиган, маълум бир катъий натижани такозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ходисаларнинг мухим, зарурий, умумий, нисбатан баркарор ва такрорланиб турувчи муносабатларидир. Табиат ва жамиятда мавжуд булган хар кандай конун учта мухим томони билан характерланади: а) конун объектив асосга эга булиб, мухим, зарурий, умумий ва баркарор муносабатларни ифодалайди, б) конуннинг харакати специфик характерга эга булиб, вокелар ривожини катъий, муайян йуналиш натижасида тугилади, в) конун муайян шарт-шароитларда намоён булади. Объектив дунё конунлари уч турга булинади: 1) Хусусий-илмий конунлар, аник фанлар конунлари; 2) умумий илмий конунлари, объектив дунёнинг купгина томонларига хос булган конунлар. Масалан: энергиянинг сакланиш ва бир турдан иккинчи турга утиш конуни. 3) Энг умумий конунлар, диалектика конунлари. Микдор узгаришларидан сифат узгаришларига утиш конуни, карама-каршиликлар бирлиги ва кураши конуни, инкорнин инкор конуни.Конун бу нарсалар, ходисалар уртасидаги мухим, зарурий, умумий ва баркарор муносабатдир. Конун тушунчасининг мана шу умумий таърифидан келиб чиккан холда, биз мантик конуни тушунчасига хам таъриф беришимиз мумкин. Мантик конуни-бу фикрлар уртасидаги мухим, зарурий баркарор, такрорланиб турадиган богланиш, муносабатдир. Фикрлар уртасидаги энг жун ва зарурий богланишлар асосий мантикий конунлар оркали ифодаланади. Улар куйидагилар:

1. Айният конуни;
2. Зиддият конуни;
3. Учинчиси истисно конуни;
4. Етарли асос конуни.

Бу конунлар шунинг учун хам асосийки, улар мантикда мухим ахамиятга эга булган энг умумий мантикий конунлардир. Улар мантик шаклларининг хаммасининг асосида туради-мантикий фикрлашнинг тугри амалга ошишини таъминлайди. Айният, зиддият ва учинчиси истисно конунлари Аристотель томонидан аникланган. Бу конунларни математик мантик формулалари ёрдамида ифодалаш мумкин. Етарли асос конуни немис файласуфи Лейбниц томонидан асосланган. Бу конун математик мантик формулалари ёрдамида ифодалаш мумкин эмас. Чунки бу конун мазмун характерига эга. Асосий мантикий конунлар объектив дунёдаги нарсалар, ходисалар уртасидаги маълум муносабатларнинг инсон онгидаги инъикоси булиб хисобланади. Мантикий конунлар умуминсоний характерга эгадир. Кишилар уларнинг миллати, синфи касбидан катъий назар бир хил

принциплар асосида фикрлашадилар. Мантикий конунлар- объектив дунёдаги нарса ва ходисаларнинг уларнинг муносабатлари ва хусусиятларининг бир неча минг йиллар давомида инсон миясида акс этиб колишининг натижаси булиб, у уз келиб чикиши жихатидан объектив характерга эга. Асосий мантикий конунлар-мантикий тафаккурнинг барча шаклларига, элементларига хос булган аниклик, изчиллик, исботлилик хусусиятларидан ифодалайди. Айният конуни фикрлашнинг конунларидан бири булиб, бу конунга риоя этилса фикр мухокама аник, равшан булади. Бу конунга биноан маълум мухокамада, мунозарада хар бир тушунча ёки хукм айнан бир маънода ишлатилиши керак. Тушунча ёки хукм маълум мухокамада уз маъносини айнан саклаб колади, яъни у узига айнандир. Айният конунининг формуласи куйидагича ёзилади: тушунча учун А=А дир, а=а дир. Бу ерда А хар кандай тушунчани ифодалайди, а хар кандай хукмни ифодалайди. Айнийлик нарса ходисаларнинг бирор муносабатда, бирор томондан тенглигини, ухшашлигидир. М: Хамма суюкликлар иссикликни утказади, окади. Хар бир нарса узига айнандир. Айнийлик бор жойда тафовут хам булади, яъни хар бир нарса бир вактнинг узида хам айний хам тафовутлидир. М: эгизаклар, терак барглари, кишининг бармоклари. Умуман бир-бирига ухшаш нарсалар. Табиат ва жамиятда айний булган нарса ва ходисалар йук, у булганда эди тараккиёт тухтаб колган булар эди. Шу билан бирга вокеликда мутлак фарк киладиган нарсалар хам йук. Аммо маълум шароитда, маълум чегарада тафовутлардан чекага чикиб, асосий эътиборни нарса-ходисаларнинг ана шундай айний, баркарор томонлари айният конунида акс этади. Куйидаги хукмлар бир маънони айнийликни ифодалайди: А.Навоий; 2. Узбек адабий тилининг асосчиси; 3. Хусайин Бойкаронинг мактабдош дусти ва вазири. Х.Байкаронинг мактабдош дусти ва вазири булган А.Навоий узбек адабий тилининг асосчиси хисобланади. Тафаккур жараёнида айният конунига риоя килдмаслик, уни бузиш икки маъноликка олиб келади. Бундай холат кишиларнинг мухокама килинаётган мавзудан четга чикиб тамоман бошка нарса хакидаги фикр юргазишда, тушунчаларни, терминларни узга маънода куллашларида намоён булади. Мантикий хато купинча омоним сузлардан фойдаланиш жараёнида вужудга келади.

М. От турт оёкли хайвон

Болтавой хам от

Болтавой турт оёкли хайвон

Ёки

Материя харакати абадийдир.

Институтга бориб келиш харакатдир.

Институтга бориб келиш абадийдир.

Юкоридаги мисолимизда турли тушунчалар айний маънода ишлатилганлиги учун хам хулоса чикариш хатодир. Турли тушунчаларни билиб ёки билмай бир маънода куллаш хеч качон чинликка олиб келмайди. Айният конуни фикрлаш жараёнида худди мана шундай хатоликларга йул куймасликка, маълум мухокамада хар бир тушунча, хар бир хукм айний маънода ишлатилишига чакиради. Бу талаб кишилар учун оддий ва равшан булиб, хар бир киши узининг амлий хаётида болалигидан бошлаб аник ва равшан фикрлаш кераклигига ишонч хосил килиб боради. Айният конуни узининг оддийлигига карамасдан нафакат кундалик хаётда, балки шу билан бирга илмий-назарий фикрлаш жараёнида хам катта ахамият касб этади. Тугри фикрлашнинг иккинчи конуни зиддият конунидир. Бу конун талабига биноан бир нарса хакида айтилган икки карама-карши фикр айни бир вактнинг узида ва айни бир муносабатда, нисбатан бирданига чин булиши мумкин эмас.

М: Равшан инглиз тилини билмайди

Равшан инглиз тилини билади.

Зиддият конунига биноан бу икки хукм бир вактнинг узида чин булиши мумкин эмас. Бири чин иккинчиси хатодир. Фикрлар уртасидаги бундай богланишни ифодаловчи мантик конунининг номи зиддият конуни деб аталса хам, у аслида зиддиятга йул куймасликни талаб этувчи, фикрий зиддиятнинг олдини олишга каратилган конундир. Демак бизнинг айни бир вактда ва айни бир шароитда бирор нарса, унинг хусусияти хакида хам тасдикласак хам инкор этсак, фикримиз зиддиятли булар экан. Аммо, агар биз бирор нарса, унинг хусусияти хакида турли вактда ва турли муносабатда карама карши фикр билдирсак хам, у зиддиятсиз, тугри булади.

М: Акбаров шахмат уйинини билмайди.

Акбаров шахмат уйинини билади.

Бу ерда икки карама карши фикр зиддиятсиздир. Чунки, улар турли вактни ифодалаб келаяпти.

Кузги ёмгир (хосилни йигиштириб олиш учун) зарарли.

Кузги ёмгир фойдали.(Ер, дарахтлар учун)

Бу ерда хам икки карама карши фикр зиддиятсиздир. Чунки улар турли муносабатни ифодалаб келмокда.

Зиддият конуни куйидаги формула билан ифодаланади.

**A^A**

Демак зиддият конунининг талаби икки карама карши фикр айни вактда ва айни муносабатда бири чин иккинчиси хато, турли вактда ва турли муносабатда эса иккаласи хам чин булиб келиши мумкин экан. Лекин бундан бирларига зид булган фикр факат шундай муносабатда булади, деган хулосага келиш мумкин эмас. М: Узбек тили ва адабиёти факультетининг барча студентлари узбек тили грматикасини чукур биладилар. Узбек тили ва адабиёти факультетининг барча студенти узбек тили граматикасини чукур билмайди. Бу хукмларнинг иккаласи хам хатодир. Мантикий зиддият билан диалектик зиддиятни айнийлаштириш мумкин эмас. Диалектик зиддият табиат, жамият ва инсон тафаккурининг харакатлантирувчи асосий куч булса, мантикий зиддият нотугри фикрлашимиз натижасида келиб чикадиган зиддиятдир. Шу билан бирга уларни бир биридан ажратиш хам мумкин эмас. Улар бир-бирларини инкор килмайдилар. Билиш жараёнидаги диалектик зиддият шаклида ифодаланади. М: Бир гипотезанинг урнига унга зид булган иккинчи гипотезани илгари суриш ёки илмий ишларни химоя килиш пайтида диссертант ва оппонетнинг турли фикрларини илгари суришлари ва бошкалар. Демак мантикий зиддият купинча фикрлаш жараёнидаги зиддият хал килиш шакли сифатида намоён булар экан. Фикримизнинг зиддиятсиз, аникваишончли булишини таъминлар экан. Учинчи истисно конуни хам фикрлаш жараёнида мантикий зиддиятга йул куймасликка чакиради. Бу конуннинг талаби буйича айни бир вактда ва айни бир муносабатда икки карама-карши фикр бирданига чин ёки бирданига хато булиши мумкин эмас. Улардан бири чин, иккинчиси хато. Учинчисига урин йук. Бу конун куйидаги формула оркали ифодаланади.

**A V A**

Зиддият конуни ва учинчиси истисно конуни зиддиятга йул куймасликни талаб килишлари билан бирга бир-бирларига ухшайдилар. Аммо, улар уртасида кескин фарк хам бор. Агар зиддият конуни икки карама-карши фикр вактга, шароитга караб бирданига чин булмаслигини ёки бирданига чин булишини ёки булмаса бирданига хато булишини курсатса, унда учинчи истисно конуни икки карама карши фикрдан бири чин иккинчиси албатта хато деб курсатади. Учинчи холатнинг булишини инкор килади, ундай холларда бу конун кулланилмайди.

М: Барча планеталар атмосфера катламига эга.

Бирорта планетада хам атмосфера катлами йук.

Бу мисолдаги иккала хукм хам маълум бир вактда ва маълум бир шароитда хато- бу зиддият конунига тегишлидир. Бу ерда чинлик учинчи хукмга тегишли.Хулоса: Атмосфера катлами катта осмон жисмларида нормал температурага эга булган катта осмон жисмлари Зухро, Ер, Марс, Юпитер,

Сатурнларда мавжуд. Кичик осмон жисмларида йук. (Меркурий). Демак, зид муносабатлар тушунчанинг тулик мазмунини камраб олмаса, икки зид хислатларни ташкари бошка хислатларнинг хам борлиги маълум булса, унда учинчиси истисно конуни амал кила олмайди. Учинчиси истисно конуни зиддият конунидан фаркли равишда фикрнинг катъийлигини ифодалайди. Ёки чин ёки ёлгон, каерда ноаниклик булса, у ерда учинчиси истисно конуни кулланилмайди. Истисно конуни амал килинишга мисол:

Акбаров хозир институда

Акбаров хозир институтда эмас.

Учинчи холатнинг булиши мумкин эмас.

Мактабнинг барча конунлари сингари учинчиси истисно конуни хам нарса ва ходисаларнинг ривожланиши, узгариши жараёни тулигича инъикос эттириб беролмайди. Мана шу узгариш ва ривожланишнинг натижасигина инъикос эттиради. Кишиларнинг тугри, изчил фикрлашларига ёрдам беради. Тугри фикрлашнинг охирги, туртинчи конуни етарли асос конуни деб номланади. Бу конуннинг талаби буйича охирги ётган хар бир чин фикр, илгари чинлиги исботланган булиши керак. Масалан: Астроном ернинг шар шаклида эканлигини бир канча кузатишлар ва далиллар оркали исботлаб беради. Албатта кундалик хаётимизда шундай нарса ва ходисалар учрайди, уларнинг мавжудлигини исбот этиш талаб килинмайди. Уларга исботлаб, асослаб берилмаса хам ишонила берилади. М: Коронгу тушди. Дарс бошланди, фил улкан хайвон ва х.к. Аммо шу билан бирга кундалик фикрлаш жараёнида илмий билишда шундай фикрлар борки, уларни албатта исботлаш керак булади. Етарли асос конуни мантикнинг бошка конунларидан фаркли равишда фикрнинг мазмуни билан купрок богликдир. Шунинг учун хам формула ёрдамида ифодаланмайди. Унинг мазмун характерига эга эканлигини турли фикрларни бир-бирлари билан назарий жихатдан боглашида куришимиз мумкин. Мантикий асос ва мантикий натижа категориялари билан богликдир, лекин улар хар доим хам мос келавермайди. М: Уйлар томларининг хул булишининг асосий сабаби ёмгирдир. Аммо бу ходисада мантикий асос ва натижа аксинчадир. Биз деразадан караб уйлар томларининг хул булганлигини курамиз (мантикий асос), ундан мантикий натижа, хулоса чикарамиз. Демак ёмгир экан. Мантикий асослар канчалик асосланган, исботланган булса, олинган билим, натижа шунчалик чин ва ишончли булади. М: Биз Узбекистон уз куролли кучларига эга булиши керак, деган хукмни илгари чинлигини исботланган куйидаги хукмлар ёрдамида асослаб берамиз: Барча мустакил давлатлар уз куролли кучларига эга. Узбекистон мустакил давлат. Етарли асос конуни кундалик хаётда, сиёсатда, илмий назарий фаолиятда катта ахамиятга эга булиб, унинг талаблари бизларни фикрлашимиз жараёнида янглишиш ва хатоларга йул куймасликка чакириб туради. Мантикий конунлар инсон тафаккурининг мантикийлигини

таъминловчи- аниклик, муайянлик, изчиллик, зиддиятсизлик, асосли булиш каби хусусиятларни ифодалайди. Мантикий конунлар чин билимга эришиш йулларини курсатиб беради. Чин билимга биз албатта мантикий конунлар ёрдамидагина эришишимиз мумкин эмас. Чин билимларга, фикрларга, назарияларга биз мантикий конунларга риоя килган холда уша билимларни, фикрларни илмий текшириш натижасида, кундалик тажриба, хаёт амалиёти асосида эришамиз. Демак, бу конунлар тугри фикрлашни, билимларни кандай эгаллашнинг назарий томонларинигина курсатиб беради.

## 2-Мавзу: Тафаккурнинг асосий шакллари (1- маъруза)

Режа:

1. Тушунча тафаккур шакли сифатида.

2. Тушунчанинг турлари. Тушунчалар орасидаги муносабатлар.

3. Тушунчани бўлиш ва таърифлаш.

4. Тушунча ва хукм. Содда ва мураккаб хукмлар.

5. Хукмлар орасидаги муносабатлар.

Таянч тушунчалар:

Предмет белгиси, умумий белгилар, муҳим белгилар, таққослаш, анализ, синтез, абстраклаштириш, умумлаштириш, сўз, тушунча, тушунчанинг мазмуни, тушунча ҳажми, тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни, тушунчаларни умумлаштириш, тушунчаларни чегаралаш, тушунчани бўлиш, классификация (туркумлаш), тушунчани таърифлаш, реал таъриф, номинал таъриф, генетик таъриф, тавсифлаш, остенсив таъриф, хукм, гап, субъект, предикат, боҳловчи, мураккаб хукс, оддий хукм, хукмда терминлар хажми,

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Тушунча ва сўз ўртасида қандай алоқа мавжуд?

2. Тушунчанинг мазмуни ва хажми деганда нимани тушунасиз?

3. Тушунчалар ўртасиаги муносабатлар?

4. Тушунчани бўлиш ва таърифлаш, уларнинг ахамияти?

5. Хукм нима ва у қандай структурага эга?

6. Оддий хукм ва унинг турлари.

**Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.

2. И.А. Каримов.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқат, 1998.№5

3. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ, 3-боб.

4.Ю. В. Ивлев. Логика, 3-боб, 3-параграф.

5. И.Рахимов. Логикадан амалий машғулотлар ва метод тавсиялар, 4-боб.

6. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник.М., 1976. Мавзуга оид мақалалар.

7. Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик. М. Ҳайруллаев таҳрири остида. Т., 1995.

8. Ибн Сино. Избранние философские произведения. М., 1980.

Тушунча мантикий билишнинг, тафаккурининг шаклларидан бири. Биз биламизки хусисий билиш шакллари сезг, идрок ва тафаккурлар ёрдамида конкрет нарса ва унинг хусисиятлари билинади. Дунё конуниятлари нарса ва ходисаларнинг мохиятлари, улар уртасидаги богланишлар, муносабатлар, узаро таъсир билишнинг иккинчи боскич булган тафаккур ёрдамида билиб олинади. Тушунча мантикий билишнинг тафаккурининг биринчи боскичи хисобланади. Нарсаларнинг умумий ва мухим белгилари инсон онггида яхлит акс етувчи тафаккур шакли тушунча деб оталади. Тушунчалар сузларда ёки суз брикмаларда ифодаланади. Масалан китоб. Мактаб, иниститут ёки китоб дукони, урта мактаб, Жиззах давлат педагугика иниститути. Бир хил айлиладиган ва ёзиладиган лекин бир хил маънони, бир хил тушунчани англатадиган сузлар хам мавжуд булиб, улар синонимлар деб айтилади. Масалан:

1) бет, юз, афт, башара, чехра

2) дуст, урток, жура, биродар, йулдош, хамрох

3) яхши, дуруст, тузик, биноий, жойида

4) хоин, соткин

5) мул, кул, анча

6) чопмок, югурмок, гизилламок

Демак тушунча сузлари орколигина ифодалар екан. Тафаккур билан тил кандай богланган булсатушинча билан суз хам худди шундай боглангандир. Тушунчанарсаларни иниъос эттирса суз нарсаларнинг номини ифодалайди. Нарса ва ходисалардаги умумий ва мухим томонларини топишда, яъни улар хакида тушунчага ега булишингиз учун турли мантикий усуллардан фойдаланиламиз. Улар куйидагилардир: таккослаш, анализ, сентиз , абстранциялаш ва умумлаштириш.

Анализ-бу урганилаётган нарсани унинг белгиларини фикран булганларга булиб урганишдир. Анализ сентиз учун яхлид, бир бутунни урганиш учун килинади.

Сентез-бу анализ натижасида бутуннинг булакларга ажратилган кисимларни фикран туплабяхлид холда урганишдир.

Токкослаш нарсалар ёки уларнинг элементлари уртасидаги ухшашлик ва фарк килинадиган томонларини аниклаш учун хизмат киладиган мантикий усулдур.

Абстракциялаш–бу урганилаётган нарсанинг иккинчи даражали ва номухум томонларидан узоклашини мавхумлаштириш ёрдамида уларнинг энг мухим ососий умумий томонларини аниклашдир.

Умумлаштириш-бу айрим нарсалардан фикран муайян тушунчага бирлаштиришдир.

Мана шу усуллар ёрдамида хар кандай тушунча, хар кандай мантикий билим шакли кулга критилади. Бу илмий усуллар факат мантикий фанига гина хос булмай балки, умиман илмий билишнинг хамма сохаларига хос булган усуллардир.

Хар кандай тушунча мазмунига ва хажмига эга булади. Нарсаларнинг тушунчада акс этган умумий мухим белгилари йигиндиси тушунчанинг мазмунидир. Узбек тили адабиёт факултети тушунчанинг мазмуни куйидаги белгилардан таркиб топган. Олий укув юртининг узбек тили ва адабиёти укутувчилари тайёр буладиган булими.

1. Олий укув юрти булимларидан бири.

Бир тушинча таркибига кирадиган нарсалар йигиндисига тушинча хажми дейилади.

Граматик тушунчасининг мазмуни куйидагича

1. Тилдаги сузларнинг тузилиши хакидаги фан

2. Сузларнинг таркиби хакидаги фани сузларнинг узгариши хакикий фан; сузларнинг гапда бирикиб колиши хакидаги фан;

Граматика - тушинчасининг хажми, узбек граматикали, тожик граматикали, хайвон харакат куйилиш ва хис килиш кобилиятига эга булган трик мавжудот фил, йулбарс сигир куй.

Институт – хажми Пединс.Кишлок, Молия, техника

МЕД архегик илмий дат. Ин.

Йулбарс – тушунчасининг мазмуни

1) Уткир тишли ва тирноклари йирик йирткич хайвон

2) Териси ола була хайвон

3) Мушуксимонлар оиласига кирадиган хайвон

Мушуксимонлар ойласига кирадиган йирик йирткич хайвон

Хажми: Африка, Марказий Осие, Хинд йулбарслари.

Тушунчалардан ифодаланадиган нарсалар хажми жихатидан мунасобатларга караб гурухларга булинадилар.

1.Жинс гурухлари:

2.Тур гурухлари:

Жинс тушунчалари тур ташанчаларига мунасабатидан олий булади.

Чунки жинсга хамма вакт тур ухшаш белгилари билан итоат этади.

Масалан Институт ва Педагогика институти.

Тушунча хажмидаги жинс ва тур белгилари улар уртасидаги мунасобат кишиларнинг нарсаларга булган муносабатларига караб узгариб туриши мумкин. Демак жинс муносабатлари нисбатдир.Яьни муайян жинс маьлум бир муносатда тур булиб келиши мумкин. Масалан: Табиат-тирик табиат-усимликлар-тераклар кук тераклар-мана бу тераклар. Тур муносабатлари мазмуни турича тушунчалар учун хос эмас. Жиззах давлат Педагогика институтининг Самарканд шахри Орол денгизи. Бу мисолдардан шу нарса куриниб турибдики тушунчанинг мазмуни канча катта булса хажми шунга хажми шунга хажми кичкина булади.

Масалан: Хайвон ва йулбарс тушунчалари

Хайвон харакат килиш кобилиятига эга булган тирик мавжудот

Йулбарс-харакат килиш ва хис килиш кобилиятига эга булган йирик , кучли, уткир тишли тирнокли, териси ола-була мушиксимон хайвон тушунчалар хажмига караб яьни унда акс этган нарсалар микдорига караб ва мазмунига караб бир неча турга булинади. Тушунчалар хажми буйича якка умумий ва шунингдек яьни куч куч тушунчаларга булинади. Якка тушунчанинг хажмини якка битта якка нарса ташкил килади. Масалан: Атокли узбек шоири Абдулла Орипов Жиззах шахри, Куёш, Амир Темур умумий тушунчалар нарсаларнинг гурухларини ифодалайди.

Масалан: китоб, самолёт, инсон хайвон.

Нуль тушунчалар хажмига купгина пуч тушунчалар киради

Масалан Адабий двигатель, учар тарелкалар, жинлар, кентоврлар.

Тушунчалар мазмуни буйича туртга булинади.

1) Конкрет ва абстракт

2) Нисбатли ва нисбатсиз

3) Мусбат ва манфий

4) Жамловчи ва жамламовчи

1. Конкрет ва абестрат тушунчалар. Конкрет тушунчалар –бу обьектив борликда реал моддий харакатда мавжуд булган,сезгиларимиз ёрдамида хис этишимиз мумкин булган нарсаларни акс эттирувчи тушуншалардир. Уй,шахар,майдон, дарахт.

Абстракт тушунчаларда конкрет нарсаэмас балки унинг хусусияти,белгиси ажратилиб мустакил холда курсатилади. М: онглилик,тугрилик,тенглик, адолатсизлик. Хакикатда вокеликда оппок пахта, онгли киши, адолатсиз урушлар мавжуд.

2.Нисбатли ва нисбатсиз тушуншалар. Нисбатли тушунчалар шундай тушуншаларки, улардан бирининг мавжудлиги иккинчисининг мавжудлигини таказо килади М: укитувчи-укувчи, хужайин-хизматкор, базис-усткурма, сабаб-окибат, мазмун, шакл, умумий-хусусий. Демак нисбатли тушунчада бир тушунча оркали билинади.

Нисбатсиз тушунчаларнинг бошка тушунчалардан мустакил холда мавжуд булган, улар буйсунмайдиган тушунчалар. Масалан: урмон,

хайвон, инсон, давлат, студент, олим, шоир. Демак нисбатсиз тушунчалар бошка тушунчаларсиз билинади.

3. Мусбат ва манфий тушунчалар. Мусбат тушунчалар нарсаларда маълум бир белгининг борлигини тасдиклаган тушунчалардир. Масалан: Маълумотли киши, интизомли студент, маданиятли халк. Манфий тушунчалар нарсаларда маълум бир белгининг борлигини инкор киладиган тушунчалар манфий тушунчалардир. Масалан: Малумотсиз киши, интизомсиз студент, маданиятсиз халк.

Узбек тилида манфий тушунчалар сузларга «сиз», «но», «бе», «эмас» каби кушимчалар ва ёрдамчи сузларни кушиб ифодалаш оркали хосил булади. Кишилар салбий муносабатда буладиган шундай сузлар хам борки, биз уларни мантикда мусбат тушунчалар деб хисоблаймиз. Масалан: рус миллатчилари, Ватан хоинлари, ёвуз душман, манкурт Ватандошлар.

4. Жамловчи ва жамламовчи тушунчалар.Жамловчи тушунчаларда бир жинсга мансуб булган нарсалар гурухи бир бутун сифатида ифодаланади. Масалан: кушин, урмон, пода, жамоа, коинот, кутубхона. Жамловчи тушунча таркибига кирувчи хар бир элементни мазкур жамловчи тушунча номи билан айтиш мумкин эмас. Масалан: битта аскарни биз буни кушин деб айтолмаймиз. Демак жамловчи тушунча билан унинг таркибига кирувчи хар бир элементининг мазмуни бир-бирларига тугри келмайди. Жамловчи тушунча мазмуни – бу уни ташкил этган элементлар йигиндисининг мазмунидир. Унга тугри келади. Жамловчи тушунча таркибига кирувчи хар бир элементни эса мазкур жамловчи тушунча номи билан аташ керак. Яъни жамловчи тушунча билан унинг таркибига кирувчи элементлар мазмунига муофик келади. Масалан: усимлик, дарё, китоб, узбек, студент, институт, хайвон, эшик. Биз хар бир усимлик хакида бу усимликдир деб атасак – бу чин хукм булади.

Биз куйидаги тушунчаларни аниклаймиз.

Саркарда – умумий, конкрет, нисбатсиз, мусбат жамловчи. Хакикий – умумий абстракт, нисбатсиз, мусбат жамловчи. Объектив дунёдаги нарса ва ходисалар бир-бирлари билан узаро боглик ва бир-бирларига узаро таъсир килиб туради.

Тушунчалар уртасида богланиш, муносабат мазмумнан якин ёки узок булиши мумкин. Бир-бирлари билан якин муносабатда булган, яъни узаро мухим ва узаро белгиларга эга булган тушунчалар таккосланадиган тушунчалардир. Масалан: усимлик дарахт, одам узбек, фан-адабиёт, фамара мантик. Бир-бирлари билан якин муносабатда булмаган, узаро мухим ва умумий белгиларга эга булмаган тушунчалар

таккосланмайдиган тушунчалардир. М: урок-куёш, хакикат-гишт. Бу тушунчалар уртасида хеч кандай ухшашлик, мазмунан богланиш йук. Мантик фани таккосланадиган тушунчалар билан шугулланади. Таккосланадиган тушунчалар хажми жихатидан бир-бирларига мос келадиган тушунчалар (сигишадиган)га ва бир-бирларига мос келмайдиган тушунчалар (сигишмайдиган)га булинади. Сигишадиган тушунчаларнинг хажмлари бир-бирларига мос келади. Сигишадиган тушунчалар уз навбатида учга булинади.

1) Айний муносабатли тушунчалар;

2) Хажмлари бир-бирларига кисман мос келиши муносабатидаги тушунчалар;

3) Буйсуниш муносабатидаги тушунчалар, тушунчалар уртасидаги муносабатлар айланалар ёрдамида тасвирланади. Айлана тушунчаларининг хажмини ифодалайди.

1. Айний тушунчаларга – мазмунлари турлича булса хам, хажмлари бир-бирига мос келадигантушунчалар киради. Масалан:

А-Тошкент

В-Узбекистон давлатининг пойтахти

А-Гулханий

В-Зарбулмасал асрининг муаллифи

Хажмлари бир-бирига мос келувчи муносабатдаги тушунчалар баъзи умумий белгиларга эга буладилар улар хажми жихатидан бир-бирларига кисман мос келадилар. Бундай тушунчалар бир-бирлари билан кесишув айланалар билан тасвирланади.

Бунга шундай мисол келтирамиз.

А-студент

В-спортчи

А-ёзувчи

В-шоир

Икки айлананинг кесишган, чизилган кисми студент спортчиларни ифодалайди.

А-айланасининг чап кисми спортчи булмаган студентларни ифодалайди.

В-айланасининг унг кисми эса студент булмаган спортчиларни ифодалайди.

Буйсуниш муносабатидаги тушунчаларда бир тушунча иккинчи тушунчага хажмига нисбатан итоат этувчи муносабатда булади. Одатда бир тушунча хажми торрок иккинчиси кенгрок тушунча хажмига киради. Кенгрок яъни жинсий тушунчаси буйсундирувчи, торрок тушунчани буйсунувчи тушунчалар деб аташ мумкин.

Бу жинс ва тур муносабатларидир. Мисоллар;

А Металл В Темур А-усимлик

В-дарахт С-Теран Д-кук теран

Е-бу кук теран

II.Сигмайдига муносабатдаги тушунчалар хам учга булинади.

1) Бирга тенг буйсуниш муносабатидаги тушунчалар.

2) Карама-карши муносабатдаги тушунчалар.

1. Бирга буйсунишга муносабатидаги тушунчалар-бу бирдан тур жихатидан фарк киладиган, аммо умумий бир жинсга буйсунадиган тушунчалардир. Бир жинсга мансуб булган тушунчалар (турлар) хажми жихатидан тенгдир, бир-бирларига тугри келади,уша жинсга бирдай буйсунадилар. Хукм-тафаккур формаларидан бири. Кишилар хукм ёрдамида хами фикрлайдитлар. Хукм тасдикла ёки инкор килиб айтилган тугал фикрни билдиради. Фикрлаш жараёнида биз факат тушунчалардан эмас, балки хукмдан хам фойдаланамиз. Тушунчада нарса ва ходисаларнинг мухим ва умумий белгилари акс эттирилсада, улардаги белгилар тугрисида фикр юритилмайди. Масалан, «темир», «дарахт», «каттик», «жисм» тушунчаларинги олиб карайлик, булар хали тугал фикрни билдирмайди. Нарсалар уртасидаги муносабатни, бирор белги борлиги ёки йуклиги хакида фикр юритилмайди. Фикр хакикий,фанда исботланган ёки фикр хакикий, фанда эса исботланмаган булиши мумкмн. Шу асосда фикрлаш жараёнида баъзан тугри килиб ишлатиш хам мумкин. Демак, фикрларнинг тугри ёки хатоли хар бир кишининг уз мулохазасига караб эмас, балки мантик коидаларига амал килишга караб белгиланади. Шундагина бирор нарса

тугрисида айтилган тасдик ёки инкор тугри хукм булади. Юкоридагилардан келиб чикиб хукмни куйидагича таърифлаш мумкин: Хукм бирор нарса ва унинг белгиси, бирор хабар тугрисида тасдиклаб ёки инкор килиб айтилган тафаккур формасидир. Унинг чин ёки ёлгонлиги вокеликка мос келиши билан белгиланади. Тасдикда бирор предмет ва унинг белгиси тугрисидаги хакикий фикр айтилади ва бирор нарсада белги ёки хусусиятининг мавжудлиги курсатиб берилади. Инкорда эса бирор предметда бирор белги ёки хусусиятининг йуклиги айтилади. Хукмда хамма вакт фикр тугри ёки хато, чин ёки ёлгон булиши шартдир.«Хукм ва гап». Агар тушунча шундай реаллашса, хукм грамматик гапда ифодаланади. Гапда ифодаланмайдиган хукм булмайди. Хукмнинг гап оркали ифодаланиши унинг тил билан богликлигини курсатади. Маълумки тил кишиларнинг фикр алмашувидаги алока воситаси хисобланади. Тил суз ва гаплардан хосил булиш жараёни хам хукм билан богликдир.Хукм бтр тилдан иккинчи тилга таржима килинганда мазмуни ва гаплик тузилишини саклайди. Булар тил билан тафаккурнинг бирлигини билдиради. Бирок тафаккур билан гап айнан бир хил эмас. Хар кандай хукмда гап ифодаланади, бирок хар кандай гап хукм булавермайди. Чунончи сурок ва ундов гаплар гапда хукм булолмайди. Масалан, «Сиз лекцияни эшитишни хохлайсизми?», «Бу ёкка кел!» каби гаплар хукм була олмайди. Чунки бу гапларда тасдик ёки инкор килиб айтилган фикр йук. Уларнинг хакикат, хакикат эмаслиги аникланган эмас. Уларда тула хабар берилмаган. Шунинг учун гап хукм шаклига кириши учун тасдик ёки инкор килиб айтилиши керак хамда тугри ёки хатолиги аникланган булиши шарт. Бирок риторик сурок гаплар хукмни билдиради. Чунки бу сурок гапларнинг мазмунидаги тасдик ёки инкор англашилиб туради. Масалан, «одамнинг хаёти тугилишидан бошланишини ким билмайди?», «кандай чидайман бу тухматга!» кабилар тасдик маъносини билдиради. Унжов гапларнинг чакирик, топширик, буйрук формалари хукм була олади. М: «хамма тинчлик учун курашиш керак!», «Бир кадам хам оркага кайтиш йук!» каби чакирикларда хукм акс эттирилган. Бир составли гаплар хукм хисобланади. Уларнинг мазмунида тасдик ёки инкор англашилиб туради. М: «Келишаётир», «Изгирин», «Эрталаб» кабилар. Бирок бундай холларни контекст оркали аниклаш керак. М: «Дорихона» хукм эмас. Агар бинонинг устига «дорихона» деб ёзиб куйилса хукм булади. Чунки бу «дорихона» деган маънони билдиради. Хукм мантикий эга, мантикий кесим хамда богловчилардан ташкил топади. М: «Касаба уюшмаси мехнаткашларнинг оммавий ташкилотидир» деган хукмни олиб курсак «Касаба уюшмаси» мантикий эга, «мехнаткашларнинг оммавий ташкилоти» мантикий кесим, «дир» эса болгловчи булиб келмокда.

Шунинг хукмдаги фикр нимага нимага каратилган булса унинг субъекти хисобланади. У S харфи билан белгиланади. (Лотин тилида «сибектим сузиниг биринчи харфи») хукм предмети тугрисидаги тасдик ёки инкор килиб айтилган кисми предикат деб аталади, P харфи билан белгиланган.

Богловчи субъектив ьилан предткат орасидаги алокани курсатади, дир, эмас, йук, зарур каби сузлар билан ифодаланади. Богловчи купинча тушириб колдирилиши хам мумкин. М: «Китоб бизнинг дустимиз», «Тошкент-Узбекистоннинг марказий шахри» кабилар. Содда хукм тузилиши куйидаги формулада ифодаланиши мумкин:

S-P дир

S-P эмас

Содда хукм доирасига кирувчи, мавжудлик, агрибутив (аникловчи) ва муносабат хукмларини бир-биридан фарк килиши керак.

Мавжудлик хукмда- PS да ифодаланган предметнинг мавжудлигини тасдиклайди ва инкор килади. М: жамиятимиздаги яъни демократия хаётимизнинг барча сохаларига кириб борилади. Баъзи корхоналар планни бажармайди.

Атрибутив хукмда маълум предметга тегишли эканлигини тасдиклайди ёки инкор килади.

Муносабат хукмлар- хукмдаги ифодаланган предметлар уртасидаги алокани курсатади. М: «Карим Ахмаддан катта», «Тилнинг лугат составига караганда унинг грамматик тузилиши секин узгаради» каби. Муносабат хукм формуласини куйидагича ифодалаш мумкин: «A R B»- (ав) предмети уртасида R муносабати бордир.

Агар муносабат икки предмет уртасидагина эмас, балки бир неча предмет уртасида булса, у холда куйидаги формула ифодаланади: (а, в, с) R (R-лотинча нисбий сузиниг биринчи харфи).

Катъий хукмларнинг турлари. Содда хукмлар микдор ва сифат жихатидан турларга булинади. Хукмлар сифат жихатидан тасдик ва инкор хукмларга булинади. М, хамма укитувчилар аклий мехнат билан шугулланадилар. Формуласи: хамма S-P дир. «Баъзи хайвонлар курикликда яшамайди». Формуласи: «Баъзи S-P эмас». Дунё халклари урушни истамайдилар. Формуласи: хеч бир S-P эмас.

Тасдик хукмда бирор белгининг предметда мавжудлиги курсатилади, инкор хукм бирор белгиниг шу предметда мавжудлиги рад этилади. Инкор «эмас», «йук», «ма» юкламалари оркали ифодаланади. М: «Бу кишиниг характери яхши эмас», «Бу кишида виждон йук», «Унинг кулидан ёмодик келмайди» каби.

Хукмлар микдор жихатидан умумий, жузъий, якка хукмларга булинади. Хукмда акс этган предмет хар хил булиши мумкин. Баъзи

хукмдаги бир группа предметлар ва уларнинг хусусиятлари тулалигича акс этади. Айрим хукмлар предметлар ва уларнинг хусусиятларининг бир кисмини акс эттиради. Бошка бир хил хукмларда эса, алохида, якка, предметлар ва уларнинг хусусиятлари акс эттирилади. «Хар кандай материя акс эттириш хусусиятига эга». Бу ерда барча материя ва унинг хаммасига хос булган хусусият акс этмокда. Бундай хукм умумий хукм деб аталади. Унинг формуласи: хамма S-P дир. «Баъзи металлар суюк жисмдир» десак, бунда хамма металлар эмас, балки металларнинг бир кисми ва унинг хусусияти тугрисида фикр юритилади. Бундай хукмлар жузъий хукмлар деб юритилади. Бунинг формуласи: Баъзи S-P дир. «Амударё Урта Осиёдаги энг катта дарёдир» , «Собир Рахимов биринчи узбек генерали» каби хукумларда айрим якка предметлар , ходисалар ва уларнинг хусусиятлари акс этган . Бундай хукумлар якка (ёки индивидуал) хукумлар деб аталади .

Дунёдаги нарса ва ходисалар микдор ва сифат жихатдан бирликни ташкил этади. Уларнинг микдоридан сифатини , сифатидан микдорини ажратиб булмайди. Ана шу дунёдаги нарса ва ходисаларнинг инътикоси булган бизнинг фикирларимиз ифодаси булган хукумлар хам сифат ва микдор жихатидан бирликни ташкил этади. Хукмларни микдор ва сифат жихатидан бирлаштирганимизда куйидаги турт хил хукм хосил булади.

1. Умимий тасдик (микдор жихатдан умумий , сифат жихатдан тасдик). «хамма ёзувчилар аклий мехнат билан шугулланувчилардир». Унинг формуласи :хамма S-P дир.

2. Жуъзий тасдик ( микдор жихатдан умумий, сифат жихатдан тасдик). «Баъзи ишчилар хусусий мулк эгаларидир «. Унинг формуласи: баъзи S-P дир.

3. Умумий инкор ( микдор жихатдан кисман ,сифат жихатдан инкор). «хеч бир окибат сабабсиз вужудга келмайди.». Унинг формуласи : хеч бири S-P эмас.

4. Жузъий инкор ( микдор жихатдан кисман , сифат жихатдан инкор. ). «Баъзи талабалар аълочи эмас» .Унинг формуласи : баъзи S-P эмас.

Бу хукумларни кискача баён этиш ва куллашни осонлаштириш максадида купинча уларни ифодалашда лотин тилидаги «А», «I», «Е», «О» харфлардан фойдаланилади.

Умимий тасдик –А (лотин тилидаги А ффирмо «тасдиклайман» сузининг биринчи унли харфи ).

Жуъзий тасдик _1 (Аформо сузининг иккинчи унли харфи)

Умимий инкор –Е ( лотинча него , «инкор киламан» сузининг биринчи унли харфи).

Жуъзий инкор –О (Него сузининг иккинчи унли харфи ).

Символик мантикда «хамма» , «хеч бир» , «баъзи» квантор белгилар билан ифодаланади .М: - умумий квантори ( немисча алле ,хамма сузнинг биринчи харфининг тескариси. ), - мавжудлик квантори ( немисча «ехиструм» мавжудлик , яшамок сузининг биринчи харфини тескариси ).

Предикат мантикда А . Е . I . О . куйидагича ифодаланади :

Умумий тасдик ( хеч бири С-Р дир): : хар кандай х Р хоссасига эга деб укилади.

Умимий инкор ( хеч бири С-Р эмас ): : хеч бири х хоссага эга эмас .

Жуъзий инкор (баъзи С-Р эмас): : Р хоссага эга булмаган Х мавжуддир.

Жуъзий тасдик (баъзи С-Р дир): : Р хоссага эга булган Х мавжуд.

Лекин хукмларнинг бошка турлари хам мавжуд. Булар орасида ажратиб курсатувчи ва истесно килувчи хукмларни курсатиш мумкин. Ажратиб курсатувчи хукм «факат» , « гина» суз ва кушимчалар билан тузилади ва унга кушимча маъно бериб уни алохида таъкидлайди. М : «Ибн синогина урта асрдаги тиббиет илмини жуда яхши утказа олади» каби. Истисно килувчи хукмда предикат субъектдаги бир томоннигина истисно килиб, бошка томонларни тулалигича тастиклайди еки инкор килади. М: Каримовданбошка хамма талабалар дарсга уз вактга келди. Коллективнинг Ахмаддан бошка хамма аъзолари судланган эмаслар, каби.

Хукмларда терминларнинг хажми деганда субектик билан предикат муносабатини билиш, субъект предикатининг канча кисмини хамда предикат субъектининг канча кисмини хажм жихатдан ташкил этишини тушинамиз.Хукмда субъект ва предикат узлари ифодалаган предметлар еки ходисаларнинг хаммаси кирса ва улар хажм жихатдан тулик олинган булса , хукмда терминлар булинган дейилади. Аксинча хукм субекти ва предикат узлари ифодалаган предмет ва ходисаларнинг бир кисимини акс эттиришса бундай хукмларда хукм терминлари булинмаган дейилади. Биз хукм терминлари булинган дегандахукм терминларидан бир термин хажмининг тулалигича икинчи терминга кириш еки тулалигичаистьисно килинишини тушунамиз. Хукм терминлари булинмаганда эса унинг тузилишидаги бир термин иккинчи термин кисман кирган еки кисман истисно килинган булади. Биз А, Е, I, О, хукмлардаги субъект билан

предикат уртасида муносабатни ифодаловчи тузилишини тахлил килиб чикканимизда, улардаги терминларнинг хажмини билиб оламиз.

1. А-Умумий тасдик хукм «ХаммасиС-Рдир» деган тузилишга эга . шунинг учун субъект хажми предикатнинг хажми тулалагича кирадли . Демак булинган Р эса С нинг хажми тулалигича эмас, балки кисман киради. М: «Хамма илонлар судралиб юриучилардир. Бу хамда «хамма илонларсудралиб юрувчилар» хажмига тулалигича киради Бирок хамма судралиб юруф\вчилар , «илонлар» хажмига киради. Унинг схемаси куйдагича :

С-тулик олинган

Р- тулик олинмаган.

Бирок бу коидадан хукмларнинг айрим турлари истиснодир. Жумладан таърифлаш шаклидаги хукмларда Р хажми С хажмга мос келади. Бунда Р булинган , тулик олинган . М: хамма квадратлар тенг томонли тугри бурчакдир деган таърифда Р нинг хажми тулик олинган чунки бу субъект хажмига тулалигича киради. Умимий ажратиб курсатувчи хукмларда хам Р тулик олинган ва булинган булади М: Планетамизда факат инсонгина онгли мавжудотдир. Демак субект билан предикатнинг хажми тенг булган умумтасдик хукумларда Р булинган ва тулик олинган . Уларнинг схемаси куйдагича.

С-тулик олинган

Р-тулик олинган

2. Е-умум инкор -<<хеч бирС-Р эмас >> деган тузилишга эга . Шунинг учун бунда С хам Р хам тулик олинган булинган булади. Чунки С-Р нинг хажмидан тулик истисно килинади М;хеч бир суюк жисм темир эмас Унинг схемаси куйдагича.

С-тулик олинган

Р-тулик олинган

3. Жузъий тасдк хукм <<баъзиС-Р дир >> деган тузилишга эга. Бундан С тулик хажимда олинмаган . Р эса булинган хам булинмаган хам булиши мумкин. М; <<бази талабалар спортчилардир>> . Бунда хамма талабалар эмас. Балки баъзи талабалар олинмокда. Хамма спортчи эмас, балки уларнинг талаба спортчилари олинмокда. Демак бунда С хам, Р хам тулик олинмаган. Яна бир мисол:Баъзи ёзувчилдар драматург. Бунда ёзувчиларнинг хаммаси эмас, балки драматурглар хаммаси

фикирланмокда. Демак бунда С тулкин олинмаган, булинмаган Р эса тулик олинган. Уларнинг схемаси куйидагича

Р-тулик олинмаган

С-тулик олинмаган

С-тулик олинмаган

Р-тулик олинган

4. О- жузъий инкор хукми ; <<Баъзи С-Р эмас >> тузилишига эга С нинг бир кисми Рни бутунлай инкор килади. Демак, бу хукумда С туликодлинмаган, булинмаган , Р эса хамма вакт булинган булади. М; <<баъзи хайвонлар йирткич эмас.>> Бунда хайвонлар эмас, балким айрим хайвонлар олинмокда. (С) Бирок <<йирткич эмас>> тулик олинган (Р) уша кисмига кирмайди. Демак, Р тулик олинган, булинган булади. Унинг схемаси куйдагича :

С-тулик олинмаган

Р-тулик олинган

Биз юкорида оддий хукмларининг тузилишини куйиб чикдик. Оддий хукмлардан ташкари мураккаб хукмлар ташкил этади. Демак мураккаб хукмлар бир неча содда хукмлардан ташкил топиб, мантикий богловчилар оркали ифодаланади. Мураккаб хукмларнинг асосий турлари: бирлаштирувчи, айирувчи ва шартли хукмлардир.

Бирлаштирувчи хукмда бир неча содда хукмлар «ва» богловчиси оркали мураккаб хукмни хосил килади. М: А.Навоий – буюк мутафаккир ва йирик давлат арбобидир. Бу фикр мустакил иккита хукмни ташкил топган хисобланади. А.Навоий буюк мутафаккирдир. А.Навоий йирик давлат арбобидир. Ва богловчиси оркали бу икки хукм мураккаб хукмни ташкил этади. Узбек тилида бирлаштирувчи хукм «хам», «хамда» богловчилари оркали ифодаланади.

Бирлаштирувчи хукмда хамма содда хукмлар тугри булади, агар улардан бирортаси хато булса бошкалари хам хато булади. Булар уртасидаги тугрилик ёки хато муносабатларини куйидаги жадвалда курсатиш мумкин.

| А | в | а в |
|---|---|---|
| тугри-I | тугри-I | тугри-I |
| тугри-I | хато-О | хато-О |

| | | |
|---|---|---|
| хато-О | тугри-I | хато-О |
| хато-О | хато-О | хато-О |

Куриниб турибдики агар бирлаштирувчи хукм хато булса бошка хаммаси хато булади. Шунинг учун бирлаштирувчи хукм барча кисмларнинг тугри булишини талаб килади. Бу хукм кундалик хаётда хукукшуносликда куп кулланилади.

Айрим хукмда бир неча содда хукмлар ёки «ё» мантикий богловчиси оркали мураккаб хукмни ташкил этади. М: Бу дарахт ёки игна баргли, ёки кенг япроклидир. С ёки Р. pl дир. А в.

Мантикий богловчи ёки мантик илмида икки хил маънога эга. Богловчи ёки катъий айирувчи маъносида ишлатилади. Богловчиси ёки катьий айирувчи маъносида ишлатилганда хукмларнинг бири албатта тугри булса, иккинчиси бирданига хато булса хам катьий хукм хато булади. М: Институтга кириш учун хужжат топширган абитурент конкурсдан утиб, студент булади ёки студент булда олмайди.

1. Абитурент албатта иккаласидан бири булади.
2. Абитурент хам студент булиб, хам студент булмай колишимумкин эмас.

Бу шуни курсатадики, икки оддий хукмнинг бири тугри булса, иккинчиси хато булади. Унинг конкурсдан утолмай колгани като булади. Агарда у имтихондан утолмаган булса демак студент булгани хатодир.

Катьий айирувчи «ёки» билан белгиланади. Унинг хато ёки тугрилигини куйидаги жадвалда курсатиш мумкин:

| А | в | а в |
|---|---|---|
| тугри-I | тугри-I | хато-О |
| тугри-I | хато-О | тугри-I |
| хато-О | тугри-I | тугри-I |
| хато-О | хато-I | хато-I |

Жадвалда куриниб турибдики катьий айирувчи хукмда агар а тугри булса, в хато булса (иккинчи каторда) ва а хато булса, в тугри булса (учинчи каторда) А-В хукм тугри булади.

Катьий айирувчи хукмда «ё», «ёки» богловчиси бир неча оддий хукмлар уртасидаги алокани боглайди. Богловчи «ёки», «ё» бирлаштирувчи айирувчи хукмда бири хато булиб келган иккаласи тугри булса хам тугри хукм булаверади. Бунда хар иккаласи хато булсагина хато хукм хосил булиши мумкин. М: юкори хосил олган дехконнинг ёки ери унумдор, ёки у астойдил мехнат килган, деган фикрни олиб карайлик.

1. Юкори хосил олган дехконнинг ёки ери унумдор, ёки у астойдил мехнат килган.

2. Юкари хосил олган дехконнинг хам астойдил мехнат килган.

3. Ери унумдор булмаган ёки астойдил мехнат килмаган дехкон юкори хосил олиши мумкин эмас. Бундан куриниб турибдики дехкон ери унумдор булса хам, астойдил мехнат килса хам мул хосил булади.

Бирлаштирувчи хукм «ёки» белгиси билан ифодаланади. Унинг хато ёки тугрилигини куйидаги жадвалдан куриш мумкин:

| А | в | а в |
|---|---|---|
| тугри-I | тугри-I | тугри-I |
| тугри-I | хато-О | тугри-I |
| хато-О | тугри-I | тугри-I |
| хато-О | хато-О | хато-О |

Бу жадвалда куриниб турибдики а В хукмида а ва в тугри булса, а тугри булиб, в хато булса хамда а хато булиб, в тугри булса (бундай холатда хам) у тугри (хакикий) хукм булиб колаверади. Хакикатда туртинчи холдагина яъни а ва а хато булгандагина а В хукми хато булиб колади.

Бирлаштирувчи айирувчи хукмида «ёкм» урнига «хам» богловчисини ишлатиш мумкин. Имтихонни аъло бахога топширган студент хам кобилятли

хам кунт билан укиган десак, фикр хато булмайди. Айирувчи хукмнинг биринчи ва иккинчи составнинг жойлашиш тартиби уларнинг тугрилигига халакит бермайди. Анвар А В хукми тугри булса в а хукми хам хато булади. Унинг умумий формуласи:

С –ёки Р ёки pl ёки р2

А –ёки Al ёки а2 ёки а3 ёки…

Бирлаштирувчи хукми-айирувчи хукмнинг формуласи эса куйидагича:

С ёки Р. ёки pl ёки р2

С хам Р. ёки pl хам р2 дир.

Шартли хукм. Шартли хукм мураккаб хукм булиб, унинг хакикатлиги маълум шарт асосида намоён булади. Бу хукмлар «агар» , «у холда» богловчи оркали богланади: М: Агар ёмгир ёгса, ер хул булади. Шартли икки кисмдан иборат. Булардан бири шартни куяди. Мана шу шартни бажариш натижасида бу хукм хакикатга айланади. Шарт куйган кисм асос деб аталади. Шу шарт натижасида хосил киладиган хукм натижа деб аталади. Бизнинг мисолимизда «Агар ёмгир ёгса (асос), ер хул булади (натижа). Унинг формуласи куйидагича:

Агар С-Р булса cl-pl, яъни агар А булса В булади. Шартли хукм агар, унда богловчилари оркали ташкил топади. Агар студентлар кунт билан укисалар у холда яхши узлаштиришга эришиш мумкин. Узбек тилида купинча унда, у холда богловчисини ёзиш шартга путур етказмайди. Бундай пайтда логик богловчи «агар…» импликатив хукм деб аталади. Математик логикадаги агар, у холда богловчиси – белги билан ёзилади.шартли хукмнинг умумий формуласи математик логикада «а-в» деб ёзилади. Шартли хукмнинг хато ва тугрилиги жадвал тартибида куйидагича бериш мумкин:

| а | в | а---в |
|---|---|---|
| Тугри-1 | Тугри-1 | Тугри-1 |
| Тугри-1 | Хато-0 | Хато-0 |
| Хато-0 | Тугри-1 | Тугри-1 |
| Хато-0 | Хато-0 | Тугри-1 |

Бу жадвалдан куриниб турибдики, шартли хукмда натижа хато булсагина хукм хато булади, бошка холларда эса тугри хукм хосил булади.

1. Агар а  в тугри булса а шартли хукм хакикат булади . М: Агар элекр токи берилмаса трамвай тухтайди.

2 Агар а тугри булиб  в хато булса  шартли хукм хато булади .( хакикат булмайди). М: Агар емгир егса ер курук булади (хзато)

3. Агар а хато булиб в тугри булса шартли хукм тугри булади .М: « агар емгир егмаса хам ер хул булади»  (тугри). Бунда емгир егмаса ер хул булиши мумкинлиги тугри .Чунки сув сепилса еки шудринг тушса хам ер хул булади.

4. Агар а  ва  в хато булса шартли хукм тугри булади .М: Агар емгир еккани хато булса ер хул булгани хато булса демак икки хукмнинг кушилишидан тугри фикр келиб чикади.

Ёки математикада логика келдтирилган мисолни куриб чикайлик .У гарчи мазмун  жихатдан гализ куринса шартли хукмнинг тузилишини аник курсатади:

Агар икки жойда икки турт булса кор ок ( тугри)

Агар икки жойда икки турт булса кор кора (хато)

Агар икки жойда икки беш булса кор ок хато (хато)

Агар икки жойда икки беш булса кор кора (тугри)

| а | в | а----в |
|---|---|---|
| тугри -I | тугри-I | тугри -I |
| тугри -I | хато -I | хато-I |
| хато -I | тугри -I | хато -I |
| хато-I | хато -I | тугри-I |

Тенг хажмли мураккаб хукмлар еки эквивалент хукм (=) . Бунда икки хукм бирлашиб мураккаб хукм хосил булади. Бухукумлар турли мазмуни билдирса хам бир придметни ифодалайди. М: «Сен етим эмассан» шеърнинг муаллифи «Шум бола» повестининг хам муаллифидир. Бунда икки хукм бир предмет тугрисида фикрланмокда. Агар икки фикрда хам атокли узбек шоири Г.Гулом тугрисида фикр юритмокда. Унинг хато ёки тугрилигини куйдаги жадвалдан курсатиш мумкин.

| а | в | а----в |
| --- | --- | --- |
| тугри-1 | тугри-1 | тугри-1 |
| тугри-1 | хато-0 | хато-0 |
| хато-0 | тугри-1 | хато-0 |
| хато-0 | хато-0 | тугри-1 |

Бундан куриниб турибдики, эквивалент хукмда (=) (а=в) а в нинг кушилишидан хар икки хукм тугри (хакикат) ёки хар икки фикр хато булгандагина хакикий тугри мураккаб хукм хосил булади. а хато в тугри булса ёки в хато а тугри булса хам тугри мураккаб хукм хосил булади.

Инкор мураккаб хукмда бир-бирини истисно этувчи хукмлар бирлашиб мураккаб хукмни хосил килади.

Инкор мураккаб хукм содда хукмдан узининг тузилиши жихатидангина эмас, балки маъно жихатидан хам фарк килади. Негаки инкор мураккаб хукм икки бир-бирига зид булган хукмдан хам бирлаштирувчи инкор, шартли инкор, айирувчи инкор хкмлардан хам ташкил топади.

Тушунчалар уртасидаги булгани каби хукмлар уртасида узаро муносабат бор. Чунки хукмлар хам объектив борликнинг алока муносабатларини акс эттиради. Хукмлар уртасидаги муносабатда уларнинг хажми ва мазмунинг тугри ёки хато эканлиги мухим ахамиятга эга. Хукмлар уз тузилиши жихатидан содда ва мураккаб булганлигидан, улар уртасидаги муносабат хам узига хос хусисиятга эга.

Содда хукмлар уртасидаги муносабатлар. Хукмлар таккосланадиган ёки таккасланмайдиганларга булинади. Агар хукмлар субъектив ёки предикат жихатдан хар хил булса таккосланмайдиган хукмлар деб аталади. Агар хукмлар хар хил булса микдорга эга булса, хам бир хил терминга эга булса, таккосланадиган хукмлар деб аталади. Бу хукмларнинг тугрилигини таккослаш мумкин, чунки улар бир терминга эгадир. Логика таккосланадиган хукмлар уртасидаги муносабатни текширади. Таккосланадиган хукмлар уртасида сигишадиган ва сигишмайдиган алокалар мавжуд.

Сигишадиган алокалар уч турдан иборат: Тулик мос келиш (эквивалент) муносабати, кисман мос келиш муносабати ва буйсиниш муносабатлари.

Сигишмайдиган хукмлар икки хил булади: карама-карши ва зид муносабатлар.

Сигишадиган муносабатлар. 1. Тулик мос келиш муносабати. Бунда икки хукмнинг субъектив ёки предикат хар хил сузларда ифодаланса бир хил предикат ифодаланмайди. Бундан ташкари бир хукмнинг тугрилигидан иккинчи бир хукмнинг тугрилиги уз-узидан келиб чикса хам тенглик бузилмайди.

Буйсиниш муносабат. Умумий хукмлар ( А Е) билан жузъий (1 – 0) хукмлар уртасида буйсиниш муносабати бор. Агар умумий хукмлар тугри булса, унга буйсинувчи жузъий хукмлар булади. М: Хар кандай хукукий муносабатлар хукук нормалари оркали тартибга солинади деган фикр тугри булса, айрим хукукий муносабатлар хам хукук нормалари оркали тартибга солинади деган фикр хам тугри булади. Агар умумий хукм хато булса, жузъий хукм хам хато булади. М: хеч бир капиталист фойда олмайди деган фикр хота булса, баъзи капиталистлар фойда олмайди деган фикр хам хатодир.

Жузъий хукмларнинг (I O) тугрилигидан умумий хукмларнинг (A E) тугрилиги келиб чикади. Умумий хукмнинг (A E) хатолигидан, жузъий хукмнинг (I O) хатолиги келиб чикмайди. Нега деганда умумий хукм хато булса, жузъий хукм тугри ёки хато булиши мумкин.

**3. Кисман мос келиш муносабати.** Сифат жихатидан фарк килувчи жузъий хукмлар (I O) уртасида кисман мос келиши муносабати хам бор. Бундай фикрлар бирданига тугри булиши мумкин, бирок бирданига хато булиши мумкин эмас.

**Сигишмайдиган муносабатлар. 1. Карама-карши муносабатлар.** Умумий тасдик хукми (A) билан умумий инкор хукми (E) уртасида карама-карши муносабат борлиги аник. Чунки бу хам A тугри булса иккинчи хукм (E) хато ёки иккаласи бирданига тугри булмайди, лекин иккаласи бирданига хато булиши мумкин.

**2. Зид муносабат.** Бунда биринчи хукм тугри булса, иккинчи хукм хато булади ва аксинча иккинчиси бирданига хато булиши мумкни эмас. Умумий тасдик хукми (A) билан жузъий инкор (O) хукми билан умумий инкор хукми (E) билан, жузъий тасдик инкор хукми (I) уртасида зид муносабат вужудга келади.

3. хамма моддалар органикдир (A) хато. Баъзи моддалар отганик эмас (O) тугри. Содда хукмлар уртасидаги муносабатни яхши эслаб колиш учун «мантикий квадрат» деб аталувчи воситалардан фойдаланилади. Унда хукмлар уртасидаги муносабат курсатилган.

Биз оддий, катъий ва мураккаб хукмларни куриб чикдик. Бундай хукмларда тасдик ёки инкор масаласи кайд килинган. Уларда хали субъект билан предикат уртасидаги характер тулик аникланган эмас. Бундай ходиса хукмларнинг модаллиги жихатидан турларида хал килинади. Хукмларнинг модаллиги уларнинг характерини аниклаш, асослаш тугрисидаги ёки предмет ва уларнинг белгиларини акс эттирувчи субъект билан предмет уртасидаги муносабатни акс эттиради. Модаллик куп белгили хукм хисобланади.

Одатда катъий хукмда а в (С-Р) белгтга эга фикр юритилади. Модаллик хукмида эса бу тасдикни яхшилаш ёки ёмонлаш, зарурий ёки зарур эмаслиги, эхтимоллик ёки исботланганлиги каби масалалар хал килинади. Мана шу нуктаи назардан модал хукмларни мантикан турли турларга буламиз. Эхтимоллик, вокелик ва зарурлик хукми.

Эхтимоллик хукмда предикат субъектнинг белгисини тахминан тасдиклайди ёки инкор килади.

Мавжудлик хукмида предикат субъектдаги белгининг борлигини тасдиклайди ёки инкор килади.

Зарурий хукмда предикат субъектдаги белгини албатта тасдиклайди ёки инкор килади. Микдор узгаришлар сифат узгаришлари ва аксинча булиши мукаррадир. Кечадан кейин кундузнинг келиши зарурий ходисадир.

Модал хукмларни умумий тарзда М опреатори билан ифодалаш мумкин. Унинг формуласи куйидагича: М (С-Р) дир ёки М (С-Р) эмас. Мураккаб модал хукмлар бир неча оддий хукмлардан ташкил топади. М: ерга яхши ишлов берилса, унга угит берилса, яхши хосил олиш мумкин исботланган. Унинг формаси М (а--в) модал мулохазаларни модал мантикан урганади. Унинг турли тармоклари мавжуд- микдор модаллиги, вакт модаллиги ва бошкалар. Хозирги мантик лимида турли модалликлар урганилган. Уларнинг схемаси А.А.Иван томонидан тузилган квалификация руйхати А.Д.Гетманованинг «Логика» китобида куйидагича келтирилган:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мантик моддалик | Факт жихатидан моддалик | эпистемитик | Аниклик моддалик |
| Мантикий зарурият | Факт жихатидан зарурийлик | Исботланадиган (фактлар билан исботланади | Хисобланади (ишонади) |
| Мантикий тасодиф | Факт жихатидан тасодиф | Хал килиб булмайдиган, текшириб булмайдиган | Иккиланади |
| Мантикий имконсиз | Факт жихатидан имконсиз | Рад этиб буладиган | Рад этилади |

Мантикий ва фактик моддалик бирлашиб элетик моддаликни ташкил килади. Улар зарурий ва тасодиф, имконият ва имконсиз модал тушунчалардан ташкил топган.

Электик моддалик куйдагича ифодаланади:

«А»-«А» зарурдир «А»-«А» тасодифдир

«А»-«А» эхтимол «А»-«А» эхтимоли йук

Имконият деганда одатда мантик фанида маълум конуниятга зид. Унга мос келмайдиган ва унинг натижаси рад этиладиган фикрга тасодифий хукмлар деб аталади. Имконият деганда эса бундай конуниятга ва унинг натижасига зид эмас фикрга айтилади. Бирок улар заруриятт, конуният намоён булган эмас.

## 2-МАЪРУЗА:

РЕЖА:

1. Хулоса чикариш хакида умумий тушунча.
2. Дедуктив хулоса чикариш. Силлогизм ва унинг турлари.
3. Индуктив хулоса чикариш. Сабабий боғланишларни аниқлашнинг индуктив методлари.
4. Аналогия бўйича хулоса чиқариш. Аналогиянинг турлари.

Таянч тушунчалар:

Хулоса чиқариш, асослаш, хулоса, зарурий хулоса, эҳтимолий хулоса, дедуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналогия, селлогизм, силлогизм фигуралари, кузатиш, тажриба, тўлиқ индукция, тўлиқсиз индукция, оммабоп индукция, сабабий алоқадорлик, хусусиятлар аналогияси, муносабатлар аналогияси.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Хулоса чиқаришнинг структураси қандай?

2. Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?

3. Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари.

4. Оддий қатъий силогизм ва унинг фигуралари.

5. Индукция ва тажриба ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.

6. Аналогия ва моделлаштириш уларнинг ўзаро алоқаси.

Адабиётлар:

1. И.Каримов. Ўзбекистон XXİ асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999.

2. М. Хайруллаев, М. Хақбердиев. Мантиқ. Т., Ўқитувчи, 1993. 7-10 боб.

3. И. Рахимов. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. Т., Ўқитувчи, 1998. 5-боб.

4. В. Абочаров. Аристотель и традицонная силлогистика. М., 1984.

5. Т. Ёқубов. Математик логика элементлари. Т, Ўқитувчи, 1983.

6. М. Шарипов, Д. Файзухўжаева. Мантив. Т., 2001.

Хулоса чикариш хам тушунча, хукм сингари фикрлар шаклидир. Хулоса чикариш мураккаб тафаккур шаклидир. Чунки билиш жараёнида инсон янги билимлар билан уз онгини бойитиб борар экан, хулоса чикариш оркали хам ана шундай билимларга эга булиб боради. Бундай янги фикрлар бевосита мулохазага асосланган хукмлардир. Демак хулоса чикариш бу бир ёки ундан ортик хукмдан янги хукм хосил киладиган тафаккур формасидир. Хулоса чикариш манбаи булган хукмлар асослар дейилади. Асослар оркали чикарилган янги хукмлар натижа дейилади. Асослардан натижага караб мантикан фикрлаш усули хулоса деб аталади. Мантик илмида хулоса чикаришнинг ёзишдаги алохида коидалари бор. Асос учун келтирилган хукмлар алохида-алохида хат бошидан ёзилади. Унинг тагида узун чизик чизилгандан сунг, натижа алохида ёзилади. Унга «демак», «натижа» каби сузлар кушилиб ёзилади.Хулоса чикаришда асослар билан натижа мантикан богланган булиш керак. Агар улар мазмунан богланмаса, натижа чикариш мумкин эмас. Масалан: Хар бир гражданин узини химоя килиш хукукига эга. Ахмедов жиноятчи эмас. Демак, уз-узидан куриниб турибдики, юкоридагилардан хулоса чикариб булмайди. Бунда асослар бир-бири билан мантикан боглангани йук.Хулоса чикариш узининг катъийлиги даражасига кура зарурий ва эхтимоллик каби турларга булинади. Зарурий хулоса чикаришда натижа ва хулосалардан мукаррар равишда келиб чикади. Хулоса хажми асосларда берилган булади. Бундай хулоса чикариш мантикий конунларга асосланган булади.Эхтимоллик хулоса чикаришда эса натижа асосларда тулалигича берилмаган булмайди. Шунинг учун натижа асосларда учрамайдиган фикрлардан кура кенг ва чукурроkдир. Унинг тузилиши катъий эмас, шунинг учун натижа эхтимоллик характерга эга. Бундан

ташкари хулоса чикаришда асослар билан натижа уртасидаги муносабат, умумийлик жузъийлигига караб туркумларга булишимиз мумкин. Шунга кура хулоса чикариш дедуктив индуктив ва аналогия жихатидан хулосалардан иборат. Мантикий хулоса тушунчаси. Асослардан хулоса чикариш мантикий усулда кулланади. Асослардан чикарилган хулоса эса тугри булиши учун асосларнинг узлари чин хукмлардан иборат булиш керак. Демак тугри асослардан тугри хулоса чикариш, тугри натижа чикариш хулосанинг асосий шартларидандир.

Дедуктив хулоса чикаришда, индуктив хулоса чикаришдан фарклирок, умумий коида ва конунлардан алохида тамомланган янги конун ва коидалар чикарилади. Дедуктив хулоса чикариш асосида хосил килинган фикр асосларида мавжуд булади. Бирок бундан дедуктив хулоса оркали олинган натижа янги билим бермайди деган фикр келиб чикмайди. Дедуктив хулоса оркали хосил килинган фикр уз ахамиятига кура янгидир. Дедуктив хулоса чикаришда мавжуд умумий коидаларга суяниб янги коида кашф этилади. Дедуктив хулоса чикариш: янги асослар исботланган ва маълум тузилишга эга булса, маълум тузилишга эга булган натижа хам исботланган булади деган коидага асосланади. Бундай коида логикада мантикий натижа коидаси деб аталади. Асослардан дедуктив хулоса чикариш коидаларига амал килиб хулоса чикариш жараёни эса натижа чикариш деб юритилади. Шунга кура дедукти усул асослардан мантикий хулоса чикариш демакдир.

Дедуктив хулоса чикаришда бир неча ёки бир неча хукмдан янги хукм хосил килинади. Агар дедуктив хулоса бир хукмдан хосил килинса, у бевосита хулоса чикариш деб аталади. Алмаштириш шундай бир бевосита хулоса чикаришки, бунда субъект-предикатга, предикат-субектга алмаштирилади ва бунинг натижасида янги хукм хосил булади.Агар предикат-субъектга, субъект-предикатга урин алмашса бу оддий алмаштириш деб аталади. Оддий алмаштиришда предикат ва субъект тулик олинган ва таксимланган булиши керак.Умуминкор хукмни оддийга алмаштириш мумкин. Унда субъект ва предикат тулик олинади.Кисман тасдик хукмларда предикат субъект хажмга кисман кирса, шунда хукмларни алмаштириш мумкин.Агар предикат субъектга тулалигича кирса жузъий хукмларни алмаштириб булмайди.Айлантириш шундай бевосита хулоса чикаришки бунда тасдик хукмларни инкорга, инкор хукмларни тасдикка айлантириш мумкин.Мантикий квадрат асосида хулоса чикариш А, Е, I, О хукмлари уртасида маълум муносабат бор эканлигини, уларни мантикий квадрат асосида курсатиш мумкинлигини юкорида куриб чикдик. Ана ушаларда бевосита хулоса чикариш маълум конуният мавжуд булиб бир хукмнинг тугрилигидан иккинчи бир хукмнинг мукаррар равишда тугри ёки хатолиги келиб чикади. Булар куйдагича: Зид муносабатдан хулоса чикариш – А, О, Е, I – хукмлари уртасида зид муносабат мавжуд булиб, улар учинчиси мустасно конунга буйсинмайди. Шунинг учун хукмнинг тугрилигидан, иккинчи хукмнинг хатолиги ва аксинча иккинчи хукмнинг тугрилилигидан

биринчи хукмнинг хатолиги келиб чикади.Шундай килиб зид хукмлар айни бир вактда айни бир нисбатда тугри хам хато хам булиш мумкин эмас. Хулоса куйдаги схемадагидек булади:

А – О    А/2 – О    Е – I    Е – I

Карама- карши хукмлардан хулоса чикариш (А-Е). Бунда бир хукмнинг тугрилигидан иккинчи хукмнинг хатолиги келиб чикади, Бирок бир хукмнинг хатолигидан иккинчи хукмнинг тугрилиги келиб чикмайди. Карама-карши фикрдан хулоса куйидаги схемадагидек келиб чикади:

А – Е    Е – А    А – Е    Е – А

Кисман мос келиш муносабатидан хулоса чикариш (I-О). Бир хукмнинг хатолигидан иккинчи хукмнинг тугрилиги келиб чикиши мумкин, бирок бир хукмнинг тугрилигидан иккинчи хукмнинг тугри ёки хато эканлиги келиб чикиши мумкин эмас. Чунки у тугри хам хато хам булиши ёки икки хукм бирданига тугри хам булиши мумкин, лекин иккаласи бирданига хато булмайди, аммо бирданига тугри булиши мумкин. Хулоса чикариш схемаси:    I – О    О – I    I – О    О – I

Дедуктив хулоса чикаришнинг энг кенг таркалган тури – силлогизимдир. Силлогизмда икки хукмдан янги учинчи хукм хосил килинади. Куйидаги мисолни куриб чикайлик.Бу йил Узбекистон дехконлари барча кишлок хужалик экинларидан мул хосил олдилар. Пахта – кишлок хужалик экинидир. Демак, бу йил Узбекистон дехконлари пахтадан мул хосил олдилар. Силлогизм икки асосва хулосадан ташкил топган булади. Силлогизмни ташкил этувчи тушунчалар термин деб аталади. Силлогизмда учта термин хосил булади: катта термин, кичик термин ва урта термин. Катта термин Р билан, кичик термин С билан, урта термин М харфи билан белгиланади. Катта ва кичик терминлар чекка термин деб хам юритилади.Кичик ва катта терминлар силлогизм хулосаси булиб чикарилади. Унда катта термин-хулосанинг предикати, кичик термин эса субъекти булади. Урта термин асослар уртасидаги алокани курсатади. Бу силлогизмнинг формуласи куйдагича:

Хамма  М – Р

С – М

Демак  С – Р

Асослари катъий хукмдан иборат булган силлогизм катъий силлогизм дейилади. Юкорида келтирилган мисолимизда катъий силлогизмга оид.Силлогизм аксиомаси. Мантикда аксиома бир неча марта амалиётда исботланган фикрлар маъносида ишлатилади. Бу маънода инсондан олдин ер

пайдо булган, бутун уз булагидан катта каби фикрлар аксиомалардир. Бирок бу коидалар аксиома холига келиши учун тажрибада бир неча бор тасдикланиб синовдан утгандир. Агар А предмет В ичида булса, В предмет С нинг ичида булса, демак А предмет С нинг ичида булади. Агар А предмет В предмет ичида В предмет С нинг ичида булса, демак А предмет С дан ташкарида булади.Демак силлогизм аксиомада маълум группа предмет тасдикланса ёки инкор килинса унга кирувчи хар бир предмет хам тасдикланади ёки инкор килинади. Инсон бир неча бор нарсаларнинг турлари ва бир-бирларига кирувчи гурухларнинг кисмларини билиб боради, уртадаги алока ва муносабатларни урганиб, уларнинг умумий хусусиятлари хакида фикр юритади, хулоса чикаради.Каерда мулкий тенгсизлик мавжуд экан, уша жойда иктисодий тенгсизлик мавжуд булади. Шу фикр асосида силлогизмни тузиб чикайлик:1. Мулкий тенгсизлик мавжуд булган жойда, иктисодий тенгсизлик мавжуд булади.2. Бу мамлакатда мулкий тенгсизлик мавжуд. Демак бу мамлакатда иктисодий тенгсизлик мавжуд. Бундай силлогизм аксиомаси куйдаги коидага буйсинади: Агар бирор нарсага кандайдир белги тегишли булса, бу белгига, бошка бир белги тегишли булса, иккинчи белги хам шу нарсанинг белгиси булади.Бу коида тур билан жинс уртасидаги муносабатни акс эттиради. Натижада икки хукмдан учинчиси бир хукмнинг тугрилиги уз-узидан келиб чикади, агар белгилар нарсаларга зид булса, бошка коида келиб чикади.

Силлогизмда урта терминнинг урнини алмаштириш билан турли формадаги силлогизмни хосил килиш мумкин. Урта терминнинг жойлашишига караб турли формадаги силлогизмни хосил килишни силлогизм фигуралари дейилади. Силлогизмда урта терминларнинг урнини узгартириш натижасида туртта фигура хосил булади.

1-фигура: Бундай урта термин катта асосининг субъекти ва кичик асосининг предикати булиб келади. Масалан. Хамма бизнинг фукаролар тинчлик тарафдори. Ахмедов – бизнинг фукародир. Демак Ахмедов хам тинчлик тарафдори. Унинг схемаси куйдагича: <u>С - М</u>

С - Р

2-фигура: Бунда урта термин хар икки асоснинг предикати булиб келади. Масалан. Хар кандай усимлик хужайрага эга. Хеч бир газ хужайрага эга эмас.

Р – М

<u>С - М</u>

С – Р

3-фигура: Бу фигурада урта термин хар икки асосининг субъекти булади. Масалан. Хамма баликлар сувда яшайди. Хамма баликлар ойкулок

билан нафас олади. Демак ойкулок билан нафас олувчилар сувда яшайди. Унинг схемаси куйдагича:

М –Р

<u>М – С</u>

С – Р

4-фигура: Бу фигуранинг узига хос томани шундаки ундан уммумий инкор киман инкор тасдик хулосалар олиш мумкин. Силлогизм фигураларнинг куйдаги схемада курсатиш мумкин.

М – Р  Р – М  М – Р  Р – М

С – М  С – М  М – С  М – С

Силлогизм фигуралари турли хукмлардан ташкил топиш мумкин. Бу хукмлар микдор ва сифат жихатидан бир-юиридан фарк килади ёки бир-бирига ухшаш булади. Маълумки хукмлар микдор ва сифат жихатидан А, I, Е, О хукмларга булинади. Бу хукмлар микдор ва сифат жихатидан харектирланади. Демак силлогизм модуслари бу силлогизм фигураларидаги хукмларнинг микдор ва сифат жихатидан характерланиши мумкин. Агарда фигуралардаги хукмлардан устидан хукм олиб уларнинг уринлари алмаштириб чиксак 64 дона силлогизм модуси хосил булади. Бирок уларнинг хаммаси хам силлогизм фигураларига уларнинг коидаларига мос келавермайди. Силлогизм коидаларига амал килиб бу хукмлардан силлогизм тузиб чикамиз шунда 19 та модус келиб чикади.

Силлогизм биринчи фигурасининг модусларига мисол келтирайлик.

1. А хамма драмматурглар ёзувчи. К.Яшин драмматург.

2. Е хеч бир балик упка билан нафас олмайди. А акула - балик

Е Демак акула упка билан напас олмайди. Буларнинг схемаси куйдагича

А-М-Р  Е-М-Р

А-С-М  А-С-М

А-С-Р  Е-С-Р

Соф шартли хулоса чикаришда асослар хам хулоса хам шартли хукуклардан иборат булади. М: агар тавар ишлаб чикариш мавжуд булса киймати конуни мавжуд булиш. Агар киймати конуни мавжуд булса пул

мавжут булади. Демак аввал товар ишлаб чикариш мавжуд булсапул хам мавжуд булади. Бу хулоса чикаришнинг формуласи куйидагича.

Агар А булса В булади

Агар В булса С булади

Демак А булса С булади

Соф соф шартли хулоса чикариш имкон фурмасида хам булиши мумкин. М: Агар мулкчилик эркин булмаса бозор муносабати такомиллашмайди. Агар бозор муносабати такомуллашса иктисодий танликдан кутулиб булмайди, Демак агар мулкчилик эркин булмаса иктисодий танликдан кутулиб булмайди, Демак агар мулкчилик эркин булмаса кутулиб булмайди. Унинг формуласи куйидагича: Агар А булмаса В булмайди. Агар В булмаса А булмайди. Агар В булмаса С булмайди. Демак Абулмаса С булмайди.

Айирувчи каътий хулоса чикариш хам мураккаб хукумлардан ташкил топган булади. Айирувчи асослардан бири айирувчи хукумдан иборат булади. Мас: Жонли мавжудотлар ёки усимлик ёки хайвон ёки инсонлардан иборат булади. Бу жонли мавжудот усимликлардур. Демак шу жонли мавжудот инсон хам хайвон хам эмас. Айирувчи каътий хулоса чикариш икки модусдан иборат.

1. Тасдиклаш йули билан инкор килиш.
2. Инкор килиш йули билан тасдик килиш

## ШАРТЛИ АЙИРУВЧИ ХУЛОСА ЧИКАРИШ

Шартли айирувчи хулоса чикаришда катта асос шартли ва айирувчи хукмларнинг кушилувидан иборат булади. Шартли айирувчи хулоса чикаришнинг формуласи куйидагича

Агар А,В булса у холда ёки А ёки С ёки Д, А С хам Д емас. Демак А В эмас.

Хулоса чикариш илмий тафаккур килиш кундалик хаётда купинча тулик формада эмас. Кискартирилган формада булади. Энтимема хам ана шундай кискартирилган хулоса чикариб булиб, унда асосларданбири ёки хулосаси тушириб колдирилади.

1 .Энтимемада катта асос тушириб колдириши мумкин. М: Бу киши виждонли, демак тугри сузлидир.

2.Энтимемада кичик асос тушиб колиши мумкин. Сиз ижодий зиёлисиз … Сиз ёзувчисиз.

3.Энтимемада хулоса тушиб колиши мумкин: Хамма команатвлар илгор учувчи булиши мумкин. Сиз косманатвсиз.

Тулик индукцияда бирор предмет ва ходисанинг у ёки бу томондан атрофлича урганиш асосида хулоса чикарилади. М: Ибтидоий жамоа тузумида хам мехнат бойликнинг манбаи кулдорлик даврида хам мехнат бойликнинг манбаи, урта асрларда хам мехнат бойликнингманбаи, хозир хам мехнат бойликнинг манбаи.

Математик логикада тулик индукция буйича фикр йуланиши куйидаги схема асосида боради.

C(O)C(X)---C(X+I)

-----------------------------

C(X)

Туликсиз индукцияда маълум синфлар ва группаларга тегишли предметларни айримлари урганилиб, уларнинг хаммаси учун битта хулоса чикарилади. Туликсиз индукциянинг баъзида кенгайтирилган индукция хам дейилади. Чунки бу индукцияда хулоса асосларидан кура купрок информацияни уз ичига олади. Туликсиз индукцияни схемаси куйдагича:

А, В белгига эга;

А2, В белгига эга;

А3, В белгига эга,

демак А4 хам В белгига эгадир.

Оммавий индукция. Оддий кузатиш йули билан килинган индукция деб юритилади. Оммавий индукция хали хам аникланмаган. Аникланмаган белгилар белгилар хусусият хакида хулоса чикаради. Бирок бу текширишда маълум система асосида хулоса чикарилса у алохида ахамиятга эга булади. Агар номаълум белгилар ва хусусиятлар асосида хулоса чикарса бу хулоса хато булиб колади. Оммавий индукция нарсаларнинг ички мохиятини уларнинг сабабий богланишини хамма вакт хам очиб беролмайди. Бу вазифани индукция бажаради.

Илмий индукцияда дастлабки кузга ташланган белгилар асосида эмас, балки уларнинг мухим асосий ички зарурий хусусиятларга суянган холда

хулоса чикарилади. Осмонга отилган нарсалар ерга тушади деб чикарилган хулоса оддий кузатиш йули билан эканлиги илмий индукциядир.

Илмий индукцияда нарса ва ходисаларнинг сабабий богланиши очиб берилади. Хар кандай ходисаларни урганганда уларнинг сабабини очишга харакат килади. Ходисаларни билиш уларнинг пайдо булиш ва ривожланиш сабабларини аниклашдир. Ходисаларнинг сабабларини аниклаш методлари мавжуд. Булар ухшашлик тафовут йулдош узгаришлар ва колдик методлари.

ТАФОВУТ МЕТОДИ. Тафовут методида бир ходисанинг сабабини аниклаш учун бир холлар текширилиб курилади. Улар бир-бирига солиштирилади, аникланадилар. М: Балик ови шинавандалари бир жойда бир кармокда ов килганлар. Бири куп балик ушлаган иккинчиси кармогига кам балик илинган. Сабаби нимада? Бири чекмайдиган, бири чекувчи экан. Иккинчисининг бармогида никотин колдиги булганлиги учун унинг кармогига балик илинмаган. Балик никотиндан куркиб кочар экан.

ЙУЛДОШ УЗГАРИШ МЕТОДИ. Бу метод агар бир ходиса узгариши иккинчи бир ходисани узгаришига олиб келса биринчи ходиса иккинчи ходисанинг сабабчисидир деган коидага асосланади.

КОЛДИК МЕТОД. Бу метод мураккаб ходисалар борлигининг сабабини аниклаш жараёнида ишлатилади. М: АВС холатлар XVI ходисасини тугдиради. Биз А холатни Хни тугдиришини билдирамиз. В холати Vни тугдиришини биламиз. Демак С холати Іни вужудга келтиради.

Аналогия хулоса чикаришнинг алохида туридир. Агар дедукцияда умуман кисмига караб хулоса чикрилса индуктив методда кисман умумга караб хулоса чикарилса аналогияда купинча фикрлардан хулоса чикарилади. Аналогия шундай хулоса чикариш усулики ундан икки предметнинг бир белгилари ухшашлигидан бошка белгилар тугрисида хулоса чикарилади. Аналогия хулосаси доим эхтимоллик характерига эга булади.

Аналогия объектив борликдаги ходисаларнинг акс этишига караб турлича булиши мумкин. Кундалик хаёт онгидаги аналогия назарий онг даражасидаги аналогия. Кундалик хаёт оги даражасидаги аналогия кишиларнинг турмушдаги бевосита тажрибалари узаро муносабатлари асосида килинган хулосалардир. М: Ота-оналар болаларини бир-бирларига ухшаш ббелгиларига караб уларнинг бошка томонлари хакида хулоса чикаради. Демак кундалик хаётдаги аналогияда нарсаларнинг ташки белгиларига караб хулоса чикарилади.

Моделлаштириш илм фанда жуда катта ахамиятга эга. Унда тадкик килинаётган объектнинг модели тузилади. Моделлаштириш хамма вакт аналогия билан боглик булади. Чунки у хар хар доим тадбик килинаётган объектга ухшаб тузилади. Шу билан модел ва оригинал уртасида хамма вакт

айнанлик булмаслиги балки тафовут булиши мумкин. Оригинал билан модел уртасида ухшашликдан хулоса чикарилади. Шу маънода моделлаштириш аналогияга якин. Модел билан объект уртасида аник айнанлик муносабатий эмас балки аналогия муносабати мавжуддир.

Аналогия оркали хулоса чикариш маълум даражада бизнинг билиш жараёнимизда мухим ахамиятга эга. Билиш жараёнида нарса ва ходисаларнинг мухим томонларини солиштириб эхтимолий хулосасини чикарамиз. Бу эхтимоллик хулосалар уша нарса устида экспреминтал тажриба утказишга ундайди.

Аналогия хакида хулоса чикариш физика, математика, тилшунос, хукукшунослик фанларида борган сари катта ахамият касб этмокда. Фанда купинча баъзи мураккаброк масалаларни бошка оддий масалалар ёрдамида ечишга тугри келади. Ана шундай холларда аналогия жуда кул келади.

Хозирги замон илм фанида аналогия юкорида айтганимиздек моделлаштирув билан боглик. Бу методга асосланган ухшашлик назарияси аналогия асосида хулоса чикарилган булишини кучайтиради. Аналогия тафаккурнинг вужудга келдтиришнинг янги куроли булиб хизмат килади.

## 3-Мавзу: Исботлаш ва рад этиш. Гипотеза ва назария.

### Режа

1. Исботлаш тушунчаси. Исботлаш турлари.

2. Рад этиш ва унинг асосий усуллари.

3. Гипотеза –билимлар тараққиётининг махсус шакли сифатида.

4. Назария билимларнинг тугал системаси.

### Таянч тушунчалар:

Аргументлаш, ишонч эътиқод, исботлаш, тезис, аргументлар, исботлаш усули, бевосита исботлаш, билвосита исботлаш, радия, паралагизм, софизм, мантиқий парадокс, муаммоли вазият, муаммо, гепотеза, назария,

### Такрорлаш учун саволлар:

1. Ишонч эътиқод шаклланишида аргументлаш ва исботлашнинг ўрни.

2. Исботлаш қандай структурага эга.

3. Рад этиш исботлаш билан қандай алоқада.

4. Исботлаш ва рад этиш қоидаларини бузганда қандай мантиқий хатолар вужудга келади.

5. Муаммоли вазият нима?

6. Муаммони асосий хусусиятлари.

7. Гепотезанинг моҳияти ва унинг турлари.

**Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.

2. И.А. Каримов.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқат, 1998.№5

3. М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ, 11-боб.

4.Ю. В. Ивлев. Логика, 8боб, 3-параграф.

5. И.Рахимов. Логикадан амалий машғулотлар ва метод тавсиялар, 6-боб.

6. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник.М., 1976. Мавзуга оид мақалалар.

7. Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик. М. Ҳайруллаев таҳрири остида. Т., 1995.

Мантиқ илмида исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро фарқланади. Далиллаш деб, бирор фикр, мулоҳазани ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш йўли билан (кузатиш, тажриба – эксперимент ва ҳакозо асосида) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш ҳиссий билишга, яъни кўриш, тажриба – эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, далиллашнинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

Далиллашнинг хусусий кўриниши мантиқий исботлашдир. Мантиқий исботлаш деб, бирор фарқ, мулоҳазанинг чинлигини, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад – бирор фикрнинг чинлигини аниқлаш бўлса, далиллашдан мақсад ҳам фикрнинг чинлигини аниқлаш, унинг аҳамиятини ва муайян фаолият

учун қўллаш мумкинлигини асослашдир. Исботлаш жараёнида қўлланиладиган чин мулоҳазалар (асослар) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, далиллаш, бундан ташқари, далилланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалроқ эканлигини асослаш учун хизмат қилади. Далиллаш учун келтирилган аргументлар (асослар) исботлаш учун келтирилган аргументларга нисбатан ранг –баранг бўлади. далиллаш шакллари Билан исботлаш шакллари бир –бирига айнан мос тушмайди.

Исботлаш хулоса чиқариш кўринишида амалга ошади. Далиллаш кўпроқ суҳбат (диолог) кўринишида бўлиб, унинг иштирокчиларидан ҳар бири ўз фикрнинг чинлигини исботлашга, рақибининг фикрини рад этишга ва тингловчиларнинг ўзини ҳам фикр қилишга, ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Далиллаштириш жараёнида реципиентларга (лот –қабул қилувчи) – тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилади ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйғуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъати қай даражада эгалланганлиги,оҳорати тингловчиларда ишонч- эътиқоднинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) ўзи билан солиштириш мумкин. Лекин кўп ҳолларда билиш жараёнида натижаларнинг чинлиги уларни илгари вужудга келган билимлар билан боғлаш орқали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули исботлашдир.

Исботлаш бир хукмнинг чинлигини у билан боғланган бошқа чин хукмлар ёрдамида асосланишдан иборат бўлган мантиқий амалдир. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули – демонстрация.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан –тўғри аргуметлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган хукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан қонундан, аргемент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан, “Ўзбекистон – мустақил давлатдир” – деган хакм (тезис) нинг чинлиги “Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро микёсда эътироф этилиши” каби асослар ёрдамида исботланади.

Бевосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган хакмнинг (антитезисининг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитезис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апалогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апалогик исботлашда тезис (а) ва антитезис (а-) ўртасидаги муносабатга асосланилади. Масалан, “материя ҳаракатсиз мавжуд

эмас” деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган “Материя харакатсиз мавжуд” деган хукм олинади.

Раддия – исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир. Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун, раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. радия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган хукм), аргументлар (тизесни рад қилувчи хукмлар) ва демонстрациядан (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. раддия бирорта масалани муҳокама қилиш яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни ҳимоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама–қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

**Раддия уч хил усул билан амалга оширилади**:

1. тезисни тад этиш;

2. аргументларни рад этиш;

3. демонстрацияни рад этиш.

**Тезисга алоқадор қоидалар**:

1. Тезис мантиқий аниқ равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этишнинг бошидан охиригача ўзгартирилмаслиги керак. Бу қоида бузилса “тезисни алмаштириш” деган хато келиб чиқади.

**Аргументларга нисбатан қоидалар:**

1. Тезисни исботлаш учун келтирилган аргументлар чин хукмлар бўлиши ва бир –бирига зид бўлмаслиги лозим.

2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.

3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган хукмлар бўлиши лозим.

**Исботлаш усулининг қоидаси**:

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Инсон дунёни билиш жараёнида бирданига хакикатга эриша олмайди, балки дастлаб унга тегишли фактларга эга булади ва унга фактларни изохлайди. Фактларни изохлаш оркали эса объектив борликдаги нарса ва ходисаларнинг объектив борликдаги нарса ва ходисаларнинг конуниятларини очиб ташлайди. Шунинг учун хам инсон ходисаларнинг сабабини билишда гипотезалар килади, яъни хар хил тахминлар ишлатади.

Турли гипотезалар килиш илмий текшириш ишларидагина эмас, балки кундалик амалий хаётда хам учраб туради. Гипотеза билиш жараёнининг мухим бир кисмидир. У систематик билим олишнинг таркибий кисмидир.

Бизнинг билимларимиз турли даражада булиши мумкин: фараз, гипотеза булавермайди. Фараз бу дастлабки тахмин булиб, у етарли даражада текширилмаган, амалий ва мантикий аникланмаган фикрдир. Фаразнинг гипотезага айланиши учун яна текширишлар утказишга тугри келади. М:Резерфорд ва Содднинг радиактив парчаланиш тугрисидаги дастлабки тахмини фараз эди. Аммо кейинги текширишлар натижаси энди у илмий гипотеза даражасига кутарилади.

Фараз мантикий маънодаги гипотеза даражасига кутарилиши учун мантикий талабларга жавоб бериши керак.

1. Гипотезанинг мазмунини ташкил этувчи фараз фан маълумотларига, илмий дунёкарашга, илмий билимларга карама-карши булмаслиги;

2. Гипотезанинг мазмунини ташкил этувчи фараз хал килишга танланган фактлар учун умумий булиши ва уларни хал килишда иштирок этиши;

3. Гипотезанинг мазмунини ташкил этувчи бошка хар кандай тахминларга караганда тула ва яхширок хал килиш имкониятини бериши керак;

Юкоридагилардан куриниб турибдики, хар кандай мавжуд фараз, уйлаб чикилган тахмин гипотеза булавермас экан. Шунинг учун фанда бир неча фаразлардан асосли тугри хакикатга якинлари танлаб олинади. Гипотеза номаълумдан маълумга борадиган илмий билиш шакли хисобланади, шу йусинда хам у назарий билимнинг ажралмас кисми булиб хисобланади. Чунки билиш жараёни чексиз булиб, бунда билмасликдан билишга, кам билишдан куп билишга караб борилар экан, бу ерда гипотеза зарурий элемент сифатида билишнинг хар бир боскичида иштирок этади.

Фанда гипотеза деганимизда фактларни, ходисаларнинг конуниятларини бевосита кузатиш мумкин булмаган вактда ишлатиладиган

тахминий билимларни тушунамиз. Гипотезада у ёки бу даражадаги эхтимолий хулоса чикарилади, аммо у хулосанинг хакикатлиги, тугрилиги учун хали етарли асос булмайди.

Гипотезада шаклланишнинг бошланиши даврида баъзан аналогияга ухшаб кетади. Маълумки аналогияда икки ёки ундан ортик группа ходисасининг бир неча томонлари ухшашлигидан бошка томонларнинг хам ухшашлиги тугрисида тахмин килинади.

М: кадимда кузга куринмас, куринадиган ва хидлаб буладиган жисмларнинг хавода учишидан хамма нарса атомлардан иборат деган гипотезани майдонга ташлаганлар. Янги даврда эса осмоний жисмларга аналогия килиб, атом тузулишининг гипотезасини майдонга ташладилар. Буларнинг хаммаси аналогияга ухшаш гипотезаларга мисол була олади.

«Гипотеза» сузи куйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Хозирги даврда фактларнинг айрим сабаби аникланмаган, унинг сабабини аниклаш учун кушимча текшириш утказиш талаб киладиган тахмин маъноси.

2. Фанда ишлатиладиган тахминнинг алохида тури маъносида.

Мантик илмида кузатилаётган фактни урганишда тахмин фикрлаш жараёни учун мухим ахамиятга эга. Чунки логика гипотезага фикрлаш жараёни сифатида карайди.

Гипотеза билан формал мантик хам, диалектик мантик хам шугулланади. Диалектик манитк гипотезанинг ривожланиши амалиётида текширилиш, унинг ижтимоий тарихий жихатдан такозоланиши каби масалалар билан шугулланса, формал мантик унинг мантикий жихатидан тузулиши, гипотезанинг конкрет фикрий куриниши билан шугулланади.

Юкоридагилардан гипотезани куйидагича таърифлаш мумкин: Гипотеза фикрлаш жараёни булиб, ходисани текширишда, уларнинг сабабини аниклашда ишлатилади.

2. Гипотеза мураккаб фикрлаш жараёнидир. Шунинг учун гипотезани тузишда ва уни исботлаш вактида аналогиядан, индукция ва дедукциядан анализ ва синтездан хамда билишнинг бошка усулларидан фойдаланамиз.

Гипотезани баён этиш унинг тузулиши тугрисида маълумот беришни талаб килади. Гипотеза турли элементлардан ташкил топади:

1. тахминларни текшириш, бунда тахмин исбот этилади ёки рад этилади. Шу элементлар ва улар уртасидаги алока гипотезанинг тузулишини

ташкил этади. Гипотеза узининг хажмига кура: умумий ва хусусий, вокеликни акс эттириш даражаси кура, ишчи ва илмий гипотезаларга булинади.

2. гипотезага асос булган бошлангич эмпирик материаллар;

3. бошлангич материалларни мантикий жихатдан ишлаб чикиш ва бевосита билишга утиш;

4. нарсаларни сабабий богланиши ва конуниятини очиб берувчи тахминга утиш. Бунда тахмин илгариги билимлар хулосаси сифатида майдонга келади. Янги фактлардан илгариги билимлар асосида янги илмий тахмин пайдо булади.

Умумий гипотеза бу бир группа предмет ва ходисаларнинг хусусияти хамда сабаби тугрисидаги тахминдир. М: кадимги Грецияда атом тугрисидаги гипотезаси, академик О.Ю.Шмидтнинг куёш системасининг пайдо булиши хакидаги гипотезаси, академик Опариннинг ерда хаётнинг пайдо булиши хакидаги фикрлари умумий гипотезага мисол булади.

Хусусий ёки айрим гипотезалар алохида предмет ва ходисаларнинг хусусияти хамда сабаби тугрисидаги тахминдир. Химия, физика, биология, тарих ва бошка фанлардаги конкрет ходисалар тугрисидаги тахминлар хусусий гипотезага мисол булади.

Ишчи гипотеза-бу биринчи фактлар асосида килинган тахминдир. Бу гипотеза нарсаларни сабабий богланишини бевосита хал килмайди. Кузатилган ходисаларни группаларга булишга хизмат килади, кайтадан текшириш утказиш ундайди. Ишчи гипотеза фаразга якин туради. Бирок хар кандай ишчи гипотезанинг бошлангич давридир. Ишчи гипотеза кузатиш йули билан килинган хулосада, кундалик хаётда, суд-тергов ишларида жуда куп учрайди.

Суд тергов ишларида у ёки бу ходисанинг сабабини аниклаш учун бир неча тахминлар килинади. У ёки бу фактлар турлича изохланиши мумкин. Бундай гипотеза версия деб аталади.

Версия суд-тергов ишларида у ёки бу ходиса ёки жиноятнинг содир булишини изохловчи таминдир. Суд-тергов органлари у ёки бу ходисанинг сабабини аниклаш учун турли версияларни майдонга ташлайдилар. Бундай версиялар жиноятнинг мухим хусусиятларини хал килишда катта ахамиятга эга. Чунки жиноятни тула исботлаш учун ушбу саволларга жавоб топиш керак:

1. содир булган жиноятнинг тури кандай?

2. мазкур жиноят канака шахс томонидан килинган?

3. жиноятнинг содир булган жойи, вакти, шароитлари канака?

4. жиноят кай усулда содир булган?

5. жиноят килишнинг сабаби нимада?

6. килинган жиноятнинг даражаси кандай ва хок.

Бу саволларнинг хаммаси тегишли, етарли булмаган асослар заминда килинган гипотезалардир. Бу саволларга жавоб топиш учун тегишли асослар керак ва шу асослардан хулоса чикариш зарур.

Илмий гипотеза табиат, жамият ва тафаккур конунларни очишда ишлатиладиган тахминлар. Илмий гипотеза барча фанда ишлатилади. Ч.Дарвиннинг усимликлар ва хайвонлар оламнинг келиб чикиши тугрисидаги таълимоти даставвал гипотеза эди. Ёки шахта 30-33 метр ковлаганда иссиклик харорати ортиб боради. Бу факт ер шароитининг ички катлами бир неча минг градуслик исикликка етади, деган фикрни келитириб чикарган.

Гипотеза фикрлашнинг маълум ривожланиши жараёнида юз берган. Бу гипотезанинг пайдо булишидан тортиб, то унинг илмий назария даражасигача кутарилиши даврини уз ичига олади.

Хар кандай гипотезаларда ривожланишнинг уч боскичи содир булади:

1. фанда маълум фактлар асосида гипотезанинг пайдо булиш боскичи;

2. фактларнинг акс килиши ва шу асос юзасидан тегишли хулосага келиш;

3. гипотезанинг тугрилигини аниклаш, нотугри фаразларни рад килиш;

Тахминлардан эхтимоллик хулосаларига келиш, гипотезанинг асослигини кушимча фактлар билан аниклаш, назариялар, конунларнинг очилишига олиб келиш боскичлари.

Хар кандай гипотеза текширишни талаб килади. Гипотезани текшириш натижасида:

1. унинг хакикатлик эхтимолига ё ортади ёки камаяди;

2. унинг хакикатлиги исботланади ва гипотеза рад этилади.

Гипотеза турли усуллар билан текширилади. Улардан бири бевосита фактлар оркали тасдикланиб боради. Агар келтирилган тахминлар фактларга, тажрибаларга мос келса, гипотеза хакикатлилиги тасдикланади. Гипотезани аниклашда унинг тугрилиги вокелик билан солиштирилади ва у вокеликка мос келгандагина илмий асосларга мос келгандагина илмий назарияларга асос була олади. Бирок гипотеза илгари йул куйилган хатолар хам хисобга олинади, яъни каерда ва кандай хатоларга йул куйилган булса, шу хатолар хисобга олиниб хулосалар чикарилади.

Демак, гипотезанинг эхтимоллик даражаси гипотезаданкелиб чикадиган турл хулосаларга хамда ушбу хулосаларнинг тажрибаг асосланишига боглик булади. Аммо гипотезада баъзи шундай махсус тажрибалар хам буладики, булар ходисаларда илгари куринмаган, учрамаган булиши хам мумкин.

М: 1896 йилда Баккерель илгари хеч качон учрамаган нурланишни кузатади ва унинг сабабини кидира бошлайди.кейинчалик бу хол радиактив парчаланиш тугрисидаги гипотезага асос булади.

Агар гипотеза хакикий булса, кейинги фактлар тажрибалар оркали исботланиб бораверади, агар гипотеза хато булса, у холда янги фактлар тажрибалар оркали рад килинади. Бундай гипотезага мисол килиб ернинг кузгалмаслиги, ер атрофида осмоний жисмларнинг айланиши хакидаги Птоломей назариясини келтирса булади. Кейинги пайтларда коинот тугрисидаги илмий фикрларнинг ривожланиши натижасида Птоломей гипотезаси тамомила хатолиги исботланди.

Маълумки уртага ташланган гипотеза айрим кузга ташланиб турган далилларга кура исботланса хам уни хамма вакт тугри деб кабул килиш мумкин булавермайди. Гап шундаки, хулоса турли асослардан келиб чикиши ёки уша асосдан бошка хулоса келиб чикиши мумкин. Бу факт эса уша гипотезани эмас, балки хали номаълум булгн бошка конуниятни келтириб чикариш мумкин. Шунинг учун гипотеза бир неча бор текширишни талаб килади. Гипотеза бевосита фактлар билангина эмас, балки турлилигини исботлаган фактлар билан, бевосита фактлар билан хам текширилиб борилади. Текшириш жараёнида баъзан бирданига бир неча гипотеза майдонга ташланиши хам мумкин хамда улар бир-бирига карама карши булиши хам мумкин.

Кейинчалик бу гипотеза хар иккаласида хам камчиликлар борлиги аникланди ва сунги вактларда уларнинг хар иккаласи хам умумлаштирадиган гипотеза майдонга келди, яъни хозирги замон физикасида ёругликни квант ва

тулкин хусусиятига эга эканлиги тугрисидаги назария вужудга келди. Мантик фанида икки бир-бирига карама карши гипотезадан бирининг хатолигини курсатадиган тажрибага хал килувчи дейилади.

Хал килувчи тажрибанинг мохияти шундаки, бу тажриба маълум гипотезани рад этибгина колмасдан, балки келгуси гипотеза учун хам асос яратади.

**4.** Гипотеза маълум шароитда текшириш натижасида, тугри ишонарли билимларга айланиши мумкин. Бунда гипотеза эхтимоллик фикридан катий ишонарли фикрга ва назарияга айланади. Гипотеза у ёки бу факт ёки конуният тугрисида булиши мумкин. Шунинг учун уларнинг ишонарли билимга айланишининг хам турли йуллари ва усуллари мавжуд.

Факт тугрисидаги гипотезанинг хакикий билимга назарияга айланиши учун уша фикрни исботлайдиган янги далилларни топиш талаб килнади.

М: Эстониянинг Сарема орлидаги Кратер метеоритидан келиб чиккан, деган фикр дастлаб гипотеза эди. Кейинчалик кратердан метиорит темир парчалари топилгандан сунг гипотеза ишонарли, хакикий билимга айланди.

Агар гипотеза хозирги мавжуд факт хакида борса, уша фактни кузатиб, уни топиш билан исботлаш мумкин. Масалан: Нептун планетасининг мавжудлиги Леварье томонидан математик жихатдан хисоблаб берилган эди. Бир канча вактдан сунг уша планета курсатилган жойда кузатилди ва тасдикланди. Натижада бу гипотеза ишонарли билимга айланди.

Гап шундаки, бундай ходисаларни тугдирадиган бир неча сабаблар дастлаб тахмин килинади ва одатда бу тахминлардан биттасидан бошкаси рад этилади. Натижада бу ходисани тугдираётган бирдан бир сабаб аникланди. Бу кундалик хаётдаги илмий текширишларда жуда куп учрайди.

Жиноят ишларини аниклашда хам бир неча тахминий фикрлар уртага ташланади. Уларнинг биттасидан бошкаси рад этилади. Натижада, уша нарса жиноятнинг сабабчиси булади.

Маълум конуният тугрисидаги гипотезанинг барча сабаби аникланса, исботланади, назарияга айланади. Агар предмет ходисаларнинг тасодифий томонларига асосланиб, сабабий эътибордан четда колса, у холда гипотеза исботланмайди, рад этилади. Н.Коперник томонидан майдонга ташланган куёш системаси тугрисидаги фикр узок вактгача гипотеза булиб келди. Кейинчалик куёш системасининг урганиш ва ундаги планеталарни аниклаш билан гипотеза ишонарли назарияга айланди. Одамларнинг атом тугрисидаги карашлари хам узок вакт гипотеза булиб келди. Утган асрнинг иккинчи ярмига келиб ута сезувчан асбоблар ёрдамида атом огирлиги аникланди ва

ички тузулиши урганилди, ундаги элементар заррачалар кашф этилди. Натижада атом тугрисида гипотеза ишонарли назарияга айланди.

Гипотезанинг хакикий билимга айланишида практика асосий ахамият касб этади. Гипотеза инсоннинг факат амалий фаолият ишлаб чикариш жараёнидаги унинг талаби ва эхтиёжи билангина ишонарли билимга айланиб боради. Гипотеза инсон амалий фаолияти натижасида вужудга келади, такомиллашади ва тузатилади, рад этилади ва назарияга айланиб боради. Гипотезанинг ишонарли билимга айланишида индукция ва дедукция методларидан фойдаланилади. Агар индуктив метод оркали далилларнинг сабаби очик тушланса, дедуктив метод ёрдамида тугрилиги исботланган назариялар оркали тасдикланади ёки рад этилади. Гипотезанинг назарияга айланишида бевосита ва билвосита исботлаш йулларидан хам фойдаланилади.